



Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2011-yil 21-aprel № 50-51 (2932) payshanba



**Буюк ва муқаддассан,
муस्ताқил Ватан!**

● Фахр

Қадрингга етганинг қадрдони бўл!

Соғлигимни тиклаш учун Москвадаги шифоналардан бирида даволанишимга тўғри келди. Ўн кун бегона одамлар орасида бўлиб ўзимизнинг истарали, меҳрли одамларимизни соғиндим. Киндик қоним тўкилган юрт тупроғи ҳиди димоғимга урилгач, яна бир бора ватандан айро яшаб бўлмаслигини ҳис қилдим. Кайфиятим ҳам, руҳим ҳам кўтарилди.

Нима бўлганда ҳам мусофирлик инсонга ўзлигини англашга ёрдам бераркан. Қишлоғим, унинг содда ва самимий одамлари, бепоен далаларимизга ҳеч нарсани тенг қилиб бўлмаслигига иймон келтираман. Маҳалларимиздан келаётган карнай-сурнай садолари мени хаёлларга чўмдиради. Ҳа, одамлар тўй-томоша қилиб, элга ош беришяпти. Ўғил уйлантириб, қиз чиқаришяпти. Ўзбек ҳар дуога қўл очганида «Топганинг тўйларга буюрсин» деб бежиз гапирмайди. Юртимизда бўлаётган ҳомийлик тadbирлари, қўли очик тadbиркорларимизнинг савобли ишлари юрак-юрагимни тўлқинлантиради. Бунинг ҳаммаси юртимизда тинчлик деб аталмиш энг буюк неъматнинг ҳукм суришидан, бу юртга Яратганинг назари тушганлигидан эмасми?

Эрта тонгдан қуёшнинг уфқдан бош кўтариши, ариларнинг вижиллаши, қушларнинг ёқимли чуғур-чуғури... ҳамма-ҳаммаси кишини шукроналикка ундайди. Назаримда, ана шу жониворлар ҳам шундай юртда яшаётганлиги учун миннатдорчилик билдираётганга ўхшайди.

Бу юртда, айниқса, биз ёшларга бўлган эътиборнинг баландлиги ғурурли бўлишга, ватанини қадрлашга ундайди. «Қадрингга етганинг қадрдони бўл» деган халқ мақоли фикримга исбот бўлади, деб ўйлайман. Ана шундай табаррук юртни тараннум этиш, Самарқанд, Бухоро, Хива каби кўҳна ва навқирон шаҳарларимизга келиб кетаётган қанчадан-қанча хорижлик сайёҳларнинг юртимиз ҳақидаги илиқ фикрларини эшитиб, хурсанд бўлмаслик, қўлга қалам олмакликнинг сира иложи йўқ.

**Камола ШЕРМАТОВА.
Назира БОЙМУРОДОВА
олган суратлар**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи якунларига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан 2011 йил 19-20 апрел кунлари давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлди.

Ташриф дастури тадбирларга бой бўлиб, кетма-кет қатор учрашувлар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг самолёти Пекин шаҳри аэропортига кўнганидан кейин бир соат ўтар-ўтмас, Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши биносида Ислом Каримовни тантанали расмий кутиб олиш маросими бўлди. Шундан сўнг икки мамлакат делегациялари иштирокида Ислом Каримов ва Ху Цзиньтаонинг музокаралари ўтказилди ва кўплаб ҳужжатлар имзоланди.

Музокара аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон делегациясининг ушбу ташрифига мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни жадал ривожлантириш жараёнининг мантиқий давоми, ҳар икки томонни қизиқтирган ғоят муҳим масалалар юзасидан фикр алмашиш ва уларни муҳокама қилиш, самарали ҳамкорлигимизга янги суръат бахш этиш имконияти сифатида қараймиз», деб таъкидлади.

Икки давлат раҳбарларининг ўзаро ишонч руҳида ўтган суҳбатида икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар, жумладан, сиёсий соҳада, хавфсизлик муаммолари борасида, савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик хусусида атрафлича фикр алмашилди.

Бўлиб ўтган музокараларнинг мазмун-моҳияти ва муҳокама қилинган давлат аҳамиятига молик йирик масалаларнинг кўлами томонлар ўзаро муносабатларнинг кун тартибига қўйилган масалаларига, мамлакатларимиз олдида турган стратегик вази-фаларни ҳал этишга нечоғли жиддий ёндашганини намоян этди.

ХХР Раиси Ху Цзиньтао Ўзбекистон ва Хитой ўзаро муносабатларнинг янги даврига, сифат жиҳатдан янги босқичга қадам кўяётганини, бу босқич юқори технологиялар соҳасида кенг кўламли ҳамкорлик бошлангани билан изоҳлашини таъкидлади.

Сиёсий ва иқтисодий соҳаларда муҳим келишувларга эришилди, ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари бўйича қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ташрифнинг иккинчи куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ХХР Давлат кенгаши Бош вазири Вэнь Цзябао билан учрашди. Мулоқот чоғида икки давлат раҳбарларининг музокарасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни яқин йилларда тубдан кенгайтириш бўйича эришилган келишувларни амалиётга жорий этиш масалалари атрафлича муҳокама қилинди.

Хитой томони Ўзбекистондаги иқтисодий ривожланиш динамикаси ва кенг кўламли тузилмавий янгиланишларга юксак баҳо берди ва юқори технологиялар соҳасида, жумладан, саноат ва технология парклари яратиш орқали ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини билдирди.

Ўзбекистон раҳбари Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Раиси У Банго билан учрашди. Мулоқот чоғида давлатлараро ҳамкорлик ва парламентлараро алоқаларни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом Каримов ўзи жойлашган қароргоҳда ХХР ташқи ишлар вазири Ян Цзечини қабул қилди. Конструктив ва ўзаро манфаатдорлик руҳида ўтган суҳбат асносида Ўзбекистон ва Хитойнинг сиёсий-дипломатик соҳадаги ҳамкорлигига доир ғоят муҳим масалалар, минтақавий ва халқаро сиёсатга оид долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Ташриф дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ХХР савдо вазири Чэнь Дэминь ҳамда Хитойнинг етакчи ком-



пания ва банклари раҳбарлари билан учрашди. Юқори технологиялар соҳасидаги лойиҳалар ижросининг истиқболлари ва Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқларига Хитой сармоясини жалб этиш масалалари атрафлича муҳокама қилинди.

ХХР савдо вазири ва Хитой ишбилармон доираларининг етакчи вакиллари ташриф асносида имзоланган Сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ғоят долзарб ва муҳим аҳамиятга эга ҳужжат эканини таъкидладилар.

Хитой Эксимбанки ва Давлат банки раҳбарлари Ўзбекистон банк тизими юксак даражада барқарор ва ишончли эканини, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида бу яна бир қарра ўз тасдиғини тоғганини қайд этдилар.

Хитойнинг етакчи банклари қўшма лойиҳаларни молиялаштиришга тайёр эканини билдириб, ташриф доирасида қўшма сармоявий лойиҳалар ижроси учун улар томонидан Ўзбекистоннинг тўрт банкка умумий қиймати 1,5 миллиард АҚШ долларига тенг янги кредит линиялари очилганини маълум қилди.

Шунингдек, Хитой Халқ банки билан Ўзбекистон Марказий банки ўртасида сўм ва юань айирбошлаш тўғрисида битим имзоланди. Бу сармоя ва савдо соҳасидаги ҳамкорлик имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради.

Хитой Халқ Республикаси раҳбарлари билан бўлган музокаралар икки томонлама муносабатлар жадал ва изчил ривожланаётганини ҳамда устувор йўналишлар бўйича ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ эканини ёрқин намоян этди.

ХХР Раиси Ху Цзиньтао Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Хитой иқтисодиётининг тез

ўсиб бораётган эҳтиёжларини қоплаш учун Ўзбекистондан стратегик хомашё товарларни етказиб бериш сезиларли даражада кенгайтирилгани учун миннатдорлик билдирди. Бунинг натижасида икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми сўнгги беш йилда тўрт баробардан зиёдроқ ошди.

Бу борада Хитойга узоқ муддатли ва муттасил равишда пахта толаси, табиий газ, уран концентрати, рангли металл, нодир ва камёб элементлар, минерал ўғитлар каби стратегик товарлар етказиб беришни янада кен-

ХХРнинг етакчи телекоммуникация компаниялари — «Хуавей» ва «ЗТЕ» билан қўшма сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилди.

Транспорт-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, Ўзбекистон ва Хитойни боғлайдиган ишончли коридорлар барпо этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шарқий Хитой — Навоий аэропорти — Европа ҳаво йўлини очиш ҳамда Ўзбекистон ва Хитойни энг қисқа йўллар билан боғлайдиган темир йўл магистраллини барпо этиш масалалари муҳокама қилинди.

ХХР Раиси Ху Цзиньтао савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик истиқболлари ҳақида сўз юритар экан, Хитой Ўзбекистонни узоқ муддатли асосда ҳамкорлик қиладиган ишончли шерик, деб билишини алоҳида таъкидлади.

Ташрифнинг яна бир муҳим натижаси Ўзбекистон билан ХХР ўртасида олий даражадаги ҳамкорлик қўмитаси тузиш тўғрисидаги келишув бўлди. Бу билан икки мамлакат ўртасида ўзаро муносабатларнинг барча йўналишлари бўйича ҳамкорликни тизимли ривожлантириш учун ишончли институционал асос яратилди.

Ташриф якунларига доир энг муҳим ҳужжат давлатлар раҳбарлари имзолаган Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Қўшма декларация бўлди. Унда ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни узоқ муддатли асосда ривожлантириш истиқболларига берилган баҳо ўз аксини топган.

Томонлар БМТ ва бошқа етакчи халқаро сиёсий ва молиявий институтлар доирасидаги конструктив ҳамкорликдан мамнуният изҳор этдилар. Шанхай ҳамкорлик ташкилотини ривожлантиришга қаратилган эътибор муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, савдо-иқтисодиёт, сармоя, энергетика ва транспорт-коммуникация соҳаларида ўзаро манфаатли минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканликларини билдирдилар.

Ўзбекистон Хитой раҳбариятининг пухта ўйланган вазмин ва оқилона сиёсатини, ягона Хитой масаласи бўйича принципиал позициясини, «уч ёвуз куч» — терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши муросасиз курашини ҳамда қатъий қўллаб-қувватлайди.

Хитой томони Ўзбекистон Республикасининг Ўрта Осиё сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари борасидаги ташвишларини тўлиқ англашини маълум қилди.

Умуман, ташриф асносида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражадаги 25 дан зиёд ҳужжат имзоланди. Эришилган келишувлар доирасида бир қатор сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Уларнинг умумий қиймати 5 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов самимий қабул ва меҳмондўстлик учун ХХР Раиси Ху Цзиньтаога миннатдорлик билдириб, уни давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келишга таклиф этди ва бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

(ЎЗА)



Ислом КАРИМОВ

МАМЛАКАТИМИЗДА
ДЕМОКРАТИК
ИСЛОҲОТЛАРНИ
ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ
ВА ФУҚАРОЛИК
ЖАМИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ
КОНЦЕПЦИЯСИ

УЗБЕКИСТОН

Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган тамойиллар амалиёт ва ҳаёт синовидан муваффақиятли ўтиб, ўзининг нақадар тўғрилиги, ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини тасдиқлаб олди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номи маърузада бу ҳақда тўхталиб, Президентимиз куйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтдилар: «Мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва тўплаган тажрибамизни ҳолисона баҳолаш, қўлга киритган ва юксак марраларимизни таҳлил этиш мамлакатимизни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш бўйича биз танлаган моделнинг нақадар тўғри эканини ва шу йўлдан бундан буён ҳам оғишмай қатъий билан боришимиз зарурлигини яққол кўрсатмоқда».

Бинобарин, Ўзбекистон тараққиётининг беш тамойили, шу билан бирга, иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган 400 дан зиёд, чунончи, «Мулкчилик тўғрисида»ги, Ер, Солиқ ва Божхона кодекслари, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Банklar ва банк фаолияти тўғрисида», «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида», «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги каби ўта муҳим қонун ва норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилгани ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Уларнинг барчаси иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий асос бўлибгина қолмасдан, рўёбга чиқарилаётган бозор ислохотларининг барқарорлигини таъминлаб, айна пайтда турли иқтисодий инқирозлардан мустаҳкам ҳимоя ва кафолат бўлиб хизмат қилмоқда.

Концепцияда эришилган ютуқлар эътироф этилгани ҳолда, галдаги вазифалар ҳам белгилаб берилди. Хусусан, демократик бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар бугунги кунда ўзининг ижобий натижаларини намойён этмоқда. Жумладан, мамлакатимизда 1996 йилдан

Давлат мустақиллиги қўлга киритилиши билан Ўзбекистон учун ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш йўли танлаб олинди ва шундан буён машҳур бешта асосий тамойилни ўз ичига олувчи «Ўзбек модели»да белгилаб берилган тараққиёт йўлидан оғишмай, илгари қараб борилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиёт йўлида

Концепция: эришилган ютуқлар ва устувор вазифалар

бошлаб, иқтисодий ўсиш таъминлаб, унинг суръатлари 2001-2003 йилларда ўртача 4 фоиздан, 2004-2006 йилларда 7 фоиздан, 2007 йилдан буён ўртача 8 фоиздан юқори бўлиб келмоқда. Сўнгги ўн йилда (2000-2010 й.) ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,2, истеъмол товарлари 3,2, инвестициялар қарийб 3, пуллик хизматлар 3,6, экспорт ҳажми 3,6 баробар ортди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли кўплаб мамлакатларда иқтисодий таназзул кузатилаётган бир пайтда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатлари сақланиб қолинаётгани, яъни 2008 йилда 9, 2009 йилда 8,1, 2010 йилда 8,5 фоизни ташкил этгани юқоридаги фикрнинг ўзига хос тасдиғидир.

2011 йил «Кичик бизнес ва тадбиркорлик йили» деб эълон қилинди. Бу бежиз эмас, албатта. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тез суръатлар билан ривожлантирмай туриб, барқарор иқтисодий ўсиш ва ижтимоий соҳа муаммоларини ҳал этиш мумкин эмас.

Мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш йўлида салмоқли ишлар қилинди. 2010 йил 1 январ ҳолатига кўра фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг сони 422,9 мингтага етди ёки 2000 йилгига нисбатан 2,6 марта кўпайди. 2000 йилда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31 фоизни ташкил қилгани ҳолда 2010 йилда 52,5 фоизга етди, 2011 йилда эса бу улушни 54 фоизга етказиш вазифаси қўйилган.

2000 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганлар сони 6737 минг киши бўлган бўлса, 2011 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра уларнинг сони 8638,3 минг кишини ёки ҳозирги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортигини ташкил этди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 2000 йилда 296,9 минг, 2006 йилда 290 минг, 2008 йилда 374,1 минг, 2009 йилда 390 минг, 2010 йилда 480 мингдан зиёд янги иш ўринлари

яратилди. Энг муҳими, янги иш ўринларининг 60 фоиздан ортиги қишлоқларимизда ташкил этилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан берилаётган кредитлар миқдори ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, 2010 йил давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 2009 йилдагига нисбатан 1,4 баробарга ортиб, 2 трлн. 690 млрд. сўмни, шундан микрокредитлар миқдори 1,5 баробарга ортиб, 485 млрд. сўмни ташкил этди. 2011 йилда кичик бизнес соҳасига тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар миқдори 3 трлн. 800 млрд. сўмни ташкил қилиши мақсад қилинган.

Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредит-банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Банк ташкил этилганидан буён кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қарийб 350 миллиард сўм миқдорда микромолиявий хизматлар кўрсатилиб, 300 мингга яқин иш ўринлари яратилди. Банк 2011 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 156 миллиард сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатиш, шу орақали яна 105 мингта янги иш ўрни яратишни режалаштирган.

Шуни таъкидлаш жоизки, макроиқтисодий ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида кейинги йилларда кичик тадбиркорликнинг ривожланишида ижобий силжишлар рўй берганига қарамай, ҳали ишга солинмаган жуда катта салоҳият ва имкониятлар борлиги, яъни Президентимиз таъкидлаганларидек, «... дунёдаги тараққий топган давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ялпи ички маҳсулот ҳажмида етакчи ва ҳал қилувчи ўринни эгаллаётганини инобатга оладиган бўлсак, бу йўналишда қиладиган ишларимиз нақадар кўплиги аён бўлади».

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат

дастуридаги асосий йўналишларни амалга ошириш келгусида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада ривожланишига олиб келади. Айнан шунинг учун бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида руҳсат бериш тартиб қоидалари тўғрисида»ги Қонунни ишлаб чиқиш, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги тахирини тайёрлаш зарурлиги ҳамда бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди, дея эътироф этилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамиятга эгадир.

Зеро, хусусий мулкнинг қонуний асосини мустаҳкамлаш, яъни мулкдорлар қонуний йўл билан қўлга киритган мулкнинг дахлсизлигини таъминладиган ишончли кафолатлар тизимини яратиш муҳимдир. Президентимиз томонидан тақлиф этилган «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларини кафолатлари тўғрисида»ги қонун ана шу мақсадларга қаратилган. Бу миллий манфаатларни таъминловчи, иқтисодий ўсишга йўл берувчи ўрта мулкдорлар қатлами шакллантирувчи ва ниҳоят, аҳоли фаровонлиги муттасил ошиб боришига олиб келувчи янги ишлаб чиқариш тузилмасининг яратилишини билдиради.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, жамият таркибида энг муҳим ўринни ўрта қатлам эгаллаган бўлиб, уни образли қилиб, киши организмиздаги умуртқага ўхшатиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ўрта мулкдорлар қатламини шакллантириш ва ривожлантиришнинг барча ҳуқуқий, молиявий шарт-шароитлари тўлиқ яратиб берилган. Ўзбекистонда 1990 йилда нодавлат секторининг ЯИМдаги улуши 38,1

фоиз бўлган бўлса, 2010 йилга келиб 81 фоиздан ортиқни ташкил этди.

Жамият аъзоларининг даромадлари ҳам тобора ошиб бормоқда. Аҳолининг реал пул даромадлари 2008 йилда 23 фоизга, 2009 йилда 26,5 фоизга, 2010 йилда эса 32 фоизга ошди. Аҳолининг даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятдан олинаётган улуши тобора салмоқли ўрин эгалламоқда. Масалан, 2002 йилда 234 млрд. сўм, 2005 йилда 378,1 млрд. сўм, 2008 йилда 1644,0 млрд. сўм бўлган бўлса, 2010 йил 1 январ ҳолатига кўра 2750 млрд. сўмни ташкил қилди. 2003-2010 йиллар мобайнида аҳоли даромадлари ҳажми 16 баробардан кўпроқ ошган. 2007 йилда ҳар юз оилага 6 та автомобил тўғри келган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 28 тага етди. Ушбу ҳолатларнинг ўзи ҳам аҳоли турмуш даражаси яхшиланиб бораётганлигини кўрсатади, бу ўз навбатида, мулкдорлар табақасини янада ортиб боришига олиб келади.

Мухтасар қилиб айтганда, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар иқтисодиётимиз ривожига ўзига хос янги даврни белгилаб беради ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун улкан имкониятлар яратиб, уларнинг йўлида учраётган айрим тўсиқларни бартараф этиб, мамлакатимиз иқтисодиётини янада барқарор ўсишига хизмат қилади ва концепцияда қўйилган вазифаларни амалга ошириб, мамлакатимиз собит қадам билан илгарилар бораётганлигини яна бир бор исбот қилади.

Тургун ЗИЯЕВ,
Тошкент Давлат
иқтисодиёт
университети фахрий
доктори.
Ҳаёт МУҲИТДИНОВ,
Тошкент Иқтисодиёт
коллежи
директори, доцент.
**Илхом
АЛИМАРДОНОВ,**
иқтисод фанлари
номзоди

Умримизга татийдиган ҳафта бўлди

— дейди «Хонқа» санаторийсида ўтказилган минтақавий ўқув-семинар иштирокчилари

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан мактаб ўқитувчилари, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари учун ташкил қилинаётган навбатдаги минтақавий ўқув-семинар «Хонқа» санаторийсида ўтказилди. Унда қорақалпоғистонлик ва хоразмлик 85 нафар соҳа ходими билан ва саломатлигини мустаҳкамлади.

— Санаторийга яқинлашарканмиз, бизни муссаффо ҳаво, гўзал табиат ўзига мафтун қилди, — ҳаяжон билан ҳикоя қилади Нукусдаги 6-мактаб бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Нуржамол Алламуратова. — Бу ердаги тропик дарахтларни кўриб, ҳайратимизни яшира олмадик. Аммо бизни мамнун қилгани бутунлай бошқа нарса бўлди.

Бу шубҳасиз, семинар иштирокчиларига берилган билим ва имконият эди. Тармоқ касаба уюшма кенгаши раҳбарияти тажрибали мутахассислари томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Вазирлар Маҳкамаси мажлисларидаги маърузалар моҳияти, касаба уюшмалари қурултойлари қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар, «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси юзасидан ижтимоий шериклик тамойилларига мос вазифалар, ижтимоий

шериклик асослари, меҳнат муҳофазасига доир маърузалар қилинди.

Семинар давомида бир неча бор таъкидланганидек, бошланғич ташкилотлар касаба уюшмаларининг асосий таянчи саналади. Улар фаолиятини меъёрлар асосида, талаб даражасида йўлга қўймасдан туриб, барча мақсад ва вазифаларни тўла-тўқис амалга оширишнинг имкони йўқ. Бу эса, биринчи навбатда, бошланғич касаба уюшма ташки-


этироф этилган Хонқа туманидаги 42-мактабда бўлиб, бошланғич ташкилот раиси Сайёра Рўзметованинг тажрибаларини ўрганди. Шу тумандаги 37-мактаб, Хивадаги 9-мактаб ва 97-маҳсус мактаб-интернатдаги тажриба алмашувлар ҳам самарали бўлди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши раиси Мурат Раҳимованинг таъкидлашича, семинарга иштирокчиларни жалб қилишда атайлаб энг тажрибалилари ва энди фаолият бошлаганлари танлаб олинган.

— Мақсадимиз тажрибалилар ёшларга ўргатсин, бири-бирини тўлдирсин, — дейди кенгаши раиси. — Бугун бошланғич ташкилотлар обрўйини мустаҳкамлаш, аъзолик афзалликларини асослаш ҳамда жамоа шартномаларининг амалдаги ижросига эътиборни кучайтириш долзарб вазифаларимиздан экан, бунга етакчиларимиз билимларини мустаҳкамлашдан туриб эриша олмаимиз. Вилоят кенгаши қошида фаолият кўрсатаётган ўқув маркази мана беш йилдирки, шу мақсадга ҳизмат қилиб келмоқда.

Семинар иштирокчилари билан суҳбатлашиб, улар янги билим ва тажрибага эга бўлганига ишондик. Демак, бошланғич ташкилотлар фаолияти янада жозибдорроқ бўлади.


Муҳаббат Тўрабоева,
«Ishonch» муҳбири



лоти етакчисининг билимига, етакчилик салоҳиятига боғлиқ.

— Мен ўтган йили бошланғич касаба уюшма ташкилоти раислигига сайландим, — дейди Янгибозор туманидаги 14-мактаб ўқитувчиси Алишер Авазатов. — Туман бирлашган кўмитаси, вилоят касаба уюшма ташкилоти кўмагида ўз устимда ишлаб келяпман. Бунда вилоят кенгаши томонидан тақдим этиб келинаётган методик қўлланмалар жуда асқотяпти. Ушбу минтақавий семинар эса нур устига нур бўлди. Семинар давомида тажриба алмашиш масаласига катта эътибор қаратилди.

Иштирокчилар 2009 йилда республиканинг энг яхши бошланғич ташкилоти дея



Юридик хизмат ходимлари олдида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари, шунингдек, жамият ва давлат манфаатлари бузилишини юзага келтирувчи омилларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда баргараф этиш, ариза, тақлиф ва шикоятларни белгиланган тартибда қонун доирасида ўрганиб, ечимига кўмаклашиш вазифаси қўйилган.

Ҳуқуқини англаган ҳаққини олдирмас

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгашига ўтган йилда 33 та, жорий йилда 14 марта меҳнат ҳуқуқларининг бузилиши юзасидан ёзма мурожаат келиб тушди ва уларнинг ижобий ҳал этилишига эришилди.

Мисолларга эътибор қаратсак, Нишон туман тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлимида шифокор бўлиб ишлаган марҳум Муҳаммад Поёновнинг турмуш ўртоғи Дилбар Одинаева тоvon пулини ўз вақтида ололмаётганлиги юзасидан Фуқаролик ишлари бўйича Қарши шаҳар туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилди.

Воқеалар ривожига судья Б.Остнов Д.Одинаева ва З.Поёнова фойдасига М.Поёновнинг олти йиллик иш ҳақи ҳисобидан жами 33341137 сўм, бир йўла тўланадиган нафақа тўловлари ва воёга етмаган қизининг таъминоти учун 2778420 сўм ойма-ой тўланадиган тоvon пуллари ундириб бериш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарди.

Суднинг мазкур ҳал қилувчи қарори юзасидан Нишон туман тиббиёт бирлашмаси томонидан судлов ҳайъатига кассация шикояти киритилди. Шикоят 2010 йил 28 сентябр куни кўриб чиқилди ва тоvon пуллари мажбурий тартибда ундириладиган бўлди.

Аризани ўрганиш жараёнида соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ходимларининг аралашуви билан 2011 йил 10 март кунида суд ижрочилари томонидан Нишон туман тиббиёт бирлашмасининг барча ҳисоб-рақамларининг ёпилиши тўғрисида ажрим чиқарилди. 25 март куни суд ижрочиларининг 1-сонли инкасса топшириқномасига асосан 4197058 сўм туман тиббиёт бирлашмасининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳисоб-рақамидан ариза муаллифига ундириб берилди. Қолган маблағларни ҳам мажбурий тартибда ундириш белгиланди.

Тармоқ касаба уюшмаси томонидан жойлардаги учрашув ва йигилишларда ходимларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, меҳнат ҳуқуқлари ва қонунчилиги бўйича янгиликлардан хабардор этишга эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, ходимларда «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун ва Меҳнат кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақидаги маълумотлар катта қизиқиш уйғотяпти.

Шамсиддин САТТОРОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши ҳуқуқшуноси

Ишлашни орзу қилганлар кўп...



Замонавий автомобиллар кўринишини бамперларсиз тасаввур этиш қийин. Бамперлар, ҳам олд, ҳам орқа томондан автомобилларга тўсқич вазифасини ўташ билан бирга, тезликни оширишда ҳам муҳим ўрин тутади. «ЎзКорамКО» кўшма корхонасида «GM-Ўзбекистон» автомобиллари учун айнан шундай сифатли бамперлар ишлаб чиқарилади.

Корхона корейлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда 1996 йилда ишга туширилган. Ўзбек автомобилсозлигининг дастлабки йилларидан бошлаб, шу кунгача корхона эҳтиёт қисмлар етказиб бериб келмоқда. Бугун жамоада 510 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади.

Корхона маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасидан ходимлар ижтимоий ҳимоясига оид барча масалалар ўз ечимини топган.

Айниқса, ходимларга қулай шароитлар яратиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, мароқли дам олдириш, соғломлаштириш, меҳнат муҳофазаси, янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилган.

— Шулар қаторида меҳнат муҳо-

фазаси муҳим ўрин эгаллайди, — дейди касабакўм раиси Ж. Худойбердиев. — Ўтган йили жамоа шартномаси орқали меҳнат муҳофазаси учун 17 млн. 700 минг сўм маблағ ажратилди. Бундан ташқари, келишув бўйича, 59 млн. сўм, ҳимоя воситаларига 135 млн. сўм сарфланди. Ишчи-ходимлар саломатлигини тиклаш мақсадида АДМИ клиникасида 15 нафар ходимимиз соғлигини мустаҳкамлади.

Ишчи-ходимлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш мақсадлари учун касабакўм ҳисобидан ўтган йил давомида 15118,7 сўм харж қилинди. Шундан 4 млн. сўмга спорт жиҳозлари сотиб олинди.

Ходимлар фарзандларидан ёзги соғломлаштириш мавсумида ўтган йили 22 нафар болакай дам олиб келди. Ишчилардан 4 нафари турли си-

ҳатгоҳларда соғлиқларини тиклашди. Шунингдек, жамоа шартномасига кўра ҳар бир ходимга 897800 сўм сарфланди.

Корхона маъмурияти янги иш ўринлари яратиш, касаначиликни ривожлантириш борасида ҳам талай ишларни амалга оширди. 2010 йилда 58 та касаначига иш ўрни яратилиб, уларнинг 42 нафарини аёллар ташкил этди. Йил давомида яна 11 та янги иш ўрни яратилишига муваффақ бўлинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ҳам корхона жамоаси янги иш ўринлари яратиш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, даромадни ошира бориб, ойлик иш ҳақларини янада кўпайтириш ва бу орқали корхона нуфузини янада оширишга ҳаракат қилмоқда.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» муҳбири

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига



Инсон тақдирида синоатлар кўп. Умр йўлларидаги синовлардан гоҳо маҳзун, гоҳо дилхуш бўласан. Чархи гардуннинг ажиб ишлари кўп-да...

ИШОНЧ

қанотидаги аёл

Шиддат, шижоат ҳам аслида туғма ато этилар экан. Шунданми, ўқишни тамомлаб келган қиздаги ғайрат хўжалик аъзолари эътиборини тортди. Керза этикда ерни қарсиллатиб юрадиган, кўпчиликнинг кўз ўнгида ўсиб-улғайган бу қизнинг ҳосилотлик касбини танлаганидан ҳеч ким ажабланмади ҳам. Норхолнинг табиати шунақа. Ғайрати олдида йигитлар ҳам лол қолади баъзида. У ўзи яшаб турган «Олмазор» хўжалигига мева-сабзавотчилик бўйича мутахассис бўлди. Ёш мутахассисни иш бошлаган илк кунларида ноқ катта синовлар кутаётган экан. Аъзолар уни бригадада бошлиги этиб сайлади. У уч йилда жамоасини илғорлар қаторига олиб чиқди. Ташкилотчилиги, ташаббускорлиги боис одамлар меҳрини қозонди. Эл назарига тушди.

1979 йилда хўжаликда касаба уюшмаларига сайлов бўлади. Хўжалик аҳли ёш, тиришқоқ Норхол Раҳматова номзодини касабакўм раислигига тавсия этди. Ўн йил у ишчи-ходимлар манфаати ҳимоячиси, ишончли қалқони сифатида шаклланди. Меҳнат муҳофазасини ташкил этиш, ишчиларга шарт-шароит яратишда жонбозлик кўрсатди. Етакчи барча юмушларга бош-қош бўлишга интиларди. 1988 йилда хўжалик раҳбари вазифасидан кетган чоғлари эди. Иқтисодиётдаги парокандалик, оқсашлардан зада бўлган ишчилар хўжалик раҳбарини сайлов йўли билан тайинлаш керак, дея қаттиқ туриб олишганди. Бу лавозимни қўлга киритиш учун от сурганлар оз эмасди. Аммо хўжалик касаба уюшма ташкилоти етакчиси Норхол Раҳматова номзодини хўжалик директорлигига кўрсатди. Номзодлар орасида аҳолига турли ваъдаларни қопи билан улашувчилар бор эди. Раҳматова эса ҳеч нарса дегани йўқ. У ўн йиллик касабакўмлик даврида қай тахлитда ишлашини, ташкилотчилигини кўрсатиб қўйганди.

Янги раҳбар хўжалик иқтисодий кўрсаткичларини кўтариш учун ишга шўнги. Далада ишлаётганларга ҳақ тўлашининг оптимал тизимини яратди. Маҳсулот сотишдан келади дарамадни мақсадли ишлатиш пайида бўлди.

Хўжаликда барча бригада дала шийпонларини деҳқонларнинг иккинчи уйига айлантириш чоратадбирларини излади. Ҳар битта бригада даласида деҳқон уйи бўлишини таъминлади. Уларнинг барчаси телевизор, ошхона жиҳозлари, сув билан таъминланди. Газ этиб бормаган хонадонларга 2 километр масофага қувурлар тортилди. Тоza ичимлик суви таъминоти яхшиланди. Хўжалик марказида 60 ўринли касалхона, уч қаватли мактаб, янги боғча биноси, клуб қурилиб фойдаланишга топширилди. Худуддаги кўчаларга асфалт ётқизилди.

Иқтисодий барқарорлик янада кўпроқ ишларни қилиш имконини берганди. Режалар кўп эди. Ана шундай орзулар оғушида бўлган Норхол Раҳматова 2004 йилнинг кузида агросаноат мажмуи ходимлари Тойлоқ туман кенгаши конференциясида яна ошкоралик асосида жамоат ташкилоти етакчилигига сайланди. Бу сафар ҳам уни қўллаган эл ишончи бўлди. У раҳбарлик қилган даврда туманда касаба уюшма аъзолари сони ошди. Бошланғич ташкилотлардаги ташаббускорлик ўсди.

Ишонч Норхол Раҳматовага ҳар доим ҳам қанот бўлапти. Бундан олти йил илгари у Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши раиси лавозимига сайланди. Таасуфки, бу пайтда тармоқ касаба уюшмаси оғир иқтисодий муаммоларга дуч келган, хўжаликлар тугатилиб, ҳатто ишчиларга ойлик тўлашга ҳам қурб итмаётган дамлар эди. Ишчан раис мулк соҳиблари билан тил топишиб, уларни сафга тортиш учун бутун жамоани сафарбар этди. Барча туман ва шаҳарларда тубдан янгиланган, олдида аниқ мақсад ва вазифа қўйган ташкилотларга асос солинди. Ҳар қандай шароитда касаба уюшмага аъзо бўлган қарийб 296 минг нафарга яқин фуқаролар манфаати ҳимояси ишончли ташкил этилди. Кўп бора оғир молиявий муаммолар гирдобидан чиқиб кета олган Норхол опа бу сафар ҳам иқтисодий бўҳронларни энгиб ўтди.

Эски одатми, билмадик, Норхол опани керза этикда тез-тез кўриб қоламиз. Далага, меҳнаткашлар ҳузурига ошиқаётган бўлади...

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ўзбеклар болажон халқ. Оилада гўдак туғилса, байрам бўлиб кетади. 1951 йил 9 февралда Хоразм вилояти Янгибозор тумани Отажоновлар оиласида дунёга келган гўдак ҳам ана шундай қувонч олиб келди. Унинг бахтли-шавкатли бўлиб вояга етишини истаб, Шавкатжон деб исм қўйишди.

Беором қалб эгаси

Шавкатжон улғайгач, Украинанинг Николаев шаҳридаги Педагогика институтида тахсил олди. Сўнгра, 1976 йилда Хоразм вилояти Фуқаро муҳофазаси штабига (ҳозирда вилоят Фавқуллода вазиятлар бошқармаси) штаб бошлигининг тезкор тайёргарлик бўйича ёрдамчиси бўлиб ишга кирди. Бобокалонларимиздан Аҳмад Донишнинг «Қайси бир хунар, қайси бир касбни қилмоқчи бўлсангиз, ундан кутилган мақсад халқ учун фойда етказиш бўлсин» деганидек, Шавкат ака касбига ихлос қўйди. Ҳар дақиқа тиниб-тинчимасдан меҳнат қилди. 1977-1979 йиллар давомида Фуқаро муҳофазаси штаби Раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази бошлигининг ўринбосари бўлиб фаолият кўрсатди. 1979 йилдан 2000 йилгача шу масканда турли лавозимларда ишлади. 2000-2003 йилларда эса Хоразм вилояти Фавқуллода вазиятлар бошқармаси жанговар тайёргарлик бўлими бошлиги сифатида фаолият юритди. 2004 йилдан бошқарманинг тезкор бўлимида етакчи мутахассис бўлиб ишлаб келмоқда. Шу билан бирга, 1981 йилдан бошқарманинг касаба уюшма кўмитаси раиси ҳамдир.

Кутқарувчилик — масъулиятли, айни пайтда шарафли касбдир. Чунки бу соҳа кишидан жаҳорат, сабр ва матонат талаб этиш баробарида, ўз ҳаётини ҳар доим, ҳар кун хавф остига қўяди. Бунда инсонпарварлик, садоқат ва олийжаноблик катта ўрин тутади.

Фавқуллода вазиятларда ҳаракат қилиш бўйича аҳолининг билимини ошириш, иқтисодиёт объектларининг барқарор ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш жуда машаққатли иш. Булар ҳар бир ходимдан тажриба, масъулият, ташкилотчиликни талаб қилади. Ана шу хислатлар беором қалб эгаси Шавкат акада мужассам, десак янглишмаган бўлаемиз.

Бошқармада бевосита раҳбарият ва касаба уюшма кўмитаси саъй-ҳаракати билан ўқув моддий базаси янгидан, замон талабига мувофиқ шакллантирилди. Авария-қутқарув, қидирув-қутқарув асбоб-анжомлари ҳамда замонавий алоқа воситалари билан таъминланди. Барча шароитга эга бино, спорт зали, махсус машқ майдончалари, дам олиш хоналари, кутубхона ва бошқа объектлар кутқарувчиларнинг самарали ва унумли фаолият кўрсатиши учун хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш керакки, бошқарма томонидан алоҳида режага асосан ўтказиладиган кўмондонлик-штаб ўқув машғулоти, махсус тактик ўқув машқларининг ўтказилиш жараёнида объектларнинг тайёргарлиги, фуқаро муҳофазаси тадбирларида раҳбарлик қилиш билан бир қаторда, тад-

бир ҳужжатларининг тўлиқ юритилишида ҳам Шавкат аканинг хизмати алоҳида.

Мана, кўз очиб юмгунча ордан 35 йил ўтибди. Унинг қўлида тарбия топган шогирдлари Мансур Жуманиёзов, Шукурулло Раҳимов, Баҳром Совуров, Мақсуд Раҳимов соҳанинг масъул лавозимларида фаолият кўрсатиб, устозининг ишончини оқлаб келмоқда. Шунингдек, бошқарманинг барча ходимлари хизмат жараёнида Шавкат акадан маслаҳат сўрашади ва ўзаро тажриба алмашади.

Бошқармада бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида жамоа шартномаси, меҳнатни муҳофаза қилиш қўлланмаси, ички меҳнат тартиб қоидалари ишлаб чиқилган. Ҳар ҳафтада ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида ўқув машғулоти тест синовлари орқали амалга оширилади. Янги ишга қабул қилинган ходимлар эса устоз-шогирд аъналарига мувофиқ фаолиятнинг нозик жиҳатларини қўнт билан ўрганади.

— Бу муқаддас даргоҳни жонимдан ортиқ кўраман, — дейди биз билан суҳбатда Ш. Отажонов. — Кутқарувчилик оғир ва машаққатли, лекин шу билан бирга, эр йигитнинг касбидир. Ҳамкасблар билан бир ёқадан бош чиқариб ишлаш ходимларга озгина бўлса-да суянчиқ бўлишдан фахрланиб яшайман.

Вилоят фавқуллода вазиятлар бошқармасига ташриф буюрсангиз, дид билан экилган гуллардан баҳри-дилингиз очилади, ораста ва сариштиликни кўрасиз. Қолаверса, ям-яшил мевали-манзарали дарахтлар кўкка буй чўзиб турибди. Бошқармада Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойи делегатлари Мурожатига биноан ҳар бир ходим Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига 20 дондан мевали ва манзарали кўчат ўтқазиб, меҳр билан парвариш қилмоқда.

... Асрий музликлар қуёшнинг заррин нурларида томчиларга айланади. Томчилар бора-бора ирмоқларга, ирмоқлар эса, ўз навбатида, дарёларга айланади. Дарёлар эса суронли тўлқинлари билан уммонга йўғрилиб бораверади...

Бу ёруғ оламда инсоннинг умри ҳам худди шундай. Хув ана, беором қалб эгаси ўз иши, сеvimли машғулоти билан банд. Унинг қалби кенг, орзу-нияти мўл. Шавкат ака Мустақиллик менга нима берди, деб эмас, балки мен мустақилликка, она халқимга нима беришга қодирман, деб меҳнат қилаётган замондошларимизнинг олдинги сафида бормоқда.

Иброҳим ЮСУПОВ,
Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат кўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси касаба уюшма кўмитаси раиси

Ўтганларнинг номларини ёд этиш, уларга эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг энг эзгу анъаналаридандир. 2010 йил 27 декабрда «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши бу борадаги муҳим ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида инсонни хотирлаш ва қадрлаш, айниқса, юртимиз озодлиги ва мустақиллиги учун жон берган ватандошларимизнинг, иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларнинг хотирасини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган барча кишиларнинг ҳурматини жойига қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 2 мартдаги фармонида кўра, 9 май «Хотира ва қадрлаш куни» деб эълон қилинганлиги ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир. Мазкур фармонда Хотира ва қадрлаш кунининг кенг нишонланишини таъминлаш барча давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг, идора ва корхоналарнинг биринчи галдаги вазифаси, барча Ўзбекистон фуқароларининг ор-номус, виждон иши ва анъанавий бурчи эканлиги алоҳида белгиланган.

Дафн этиш ва дафн иши муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 апрелда қабул қилинган «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги қонунни амалга ошириш чора-тадбирларига оид қарори ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солиш, дафн ишини ташкил этиш асосларини белгилаб берувчи муҳим ҳуқуқий ҳужжатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ ўза мухбирига шулар хусусида куйидагиларни сўзлаб берди:

лиги тўғрисидаги, ўз хоҳиш-иродасини бажаришни у ёхуд бу шахсга ишониб топшириш ҳақидаги истаги эканлиги белгилаб қўйилган. Вафот этган шахснинг хоҳиш-иродаси мавжуд бўлмаган тақдирда вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошлари ёки қонуний вакили, улар бўлмаганда эса дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахс юқорида баён этилган ҳаракатларга ижозат бериш ҳуқуқига эга.

Инсон шаъни, қадр-қиммати олий қадрият эканлигини эътиборга олган ҳолда мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳар бир инсонга унинг ўлимидан кейин жасадини вафот этган

рини лозим бўлган ҳолатда сақлаш ва ободонлаштириш мажбурияти маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига юклатилиши ҳамда ушбу мақсадлар учун ажратиладиган алоҳида харажатлар моддаси бўйича маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилишининг мустаҳкамлангани дафн этиш жойларида майдонларни кўкаламзорлаштириш, йўлларни асфальтлаш, тўсиқларни қуриш, ахлат ва чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетиш, санитар ишлов бериш каби зарур ишларни амалга оширишни таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 апрелда қабул қилинган «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги Ўзбекистон Рес-

Инсон хотирасига юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодаси

— Вафот этган шахсни дафн этиш қафолатларини белгилаш, дафн этиш учун нафақа бериш ҳамда моддий ва бошқа ёрдам кўрсатиш қафолатларини белгилаш, дафн этиш жойларини танлаш ва сақлашда экологик нормаларнинг, санитария, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг ҳамда бошқа нормалар ва қоидаларининг бажарилишини таъминлаш, дафн ишини ташкил этиш асосларини белгилаш мазкур қонуннинг асосий вазифаларидир, — дейди М.Мамасиддиқов. — Қонун дафн этиш жойларини туман, шаҳар давлат ҳокимияти органларининг бевосита тасарруфида бўлишини белгилаш экан, бу билан қабристонларни сақлаш ва ободонлаштириш ишига масъулиятсизлик билан қараш ҳолатларига барҳам беради.

Мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқишидан олдин прокуратура органлари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида текшириш ўтказилиб, унда қабристонларни сақлаш ва ободонлаштириш ишига масъулиятсизлик билан қараш, фуқаролар томонидан келгусида қабрлар солиш учун ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаш, қабристонларни ташкил қилиш мақсадида маданий-мемориал комплексларнинг фондларидан ерларни ноқонуний ажратиш ҳолатла-

ри, қабристонларни ободонлаштиришга ажратилган бюджет маблағларининг талон-тарож қилиниши ва мақсадсиз ишлатилиши ҳоллари аниқланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 64-моддаси талабларига риоя қилинмасдан 7 минг 904 қабристоннинг фақат 330 таси маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тасарруфида бўлиб, 5 минг 596 таси қонунга зид равишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг, 265 таси турли хўжалик юритувчи субъектларнинг ихтиёрига ўтказилган, 1 минг 713 таси эса умуман эгасиз ва ташландиқ аҳволда қолган.

Ақсарият қабристонларнинг ободонлаштирилиши учун маҳаллий бюджетдан маблағлар ажратилмаган. Бунинг оқибатида баъзи қабристонларда тўсиқлар қуриш, майдонларни кўкаламзорлаштириш, йўлларни асфальтлаш, чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетиш, санитария-гигиена ҳолатини таъминлаш каби зарур ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Бундан ташқари, 4 минг 613 қабристоннинг ер участкалари кадастр органларида рўйхатга олинмаган, 4 мингдан ортиқроқ қабристон бўйича экологик экспертиза далолатномалари тузилмаган, 84 қабристон сув объектларининг қўриқланадиган зоналари ҳудудида жойлашган, 408 қабристоннинг са-

нитар зонасида эса уй-жойлар, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари қурилган, автомобиллар ва пиёдалар учун йўллар ўтказилган.

«Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасида дафн этиш жойлари бузиб ташланиши мумкин эмаслиги, доимий равишда сув остида қолиш, кўчкилар ҳамда бошқа табиий офатлар таҳдид этган тақдирда белгиланган тартибда фақат туман, шаҳар давлат ҳокимияти органларининг қарори билан кўчирилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Маълумки, дафн этиш ва дафн иши соҳасида вафот этган шахснинг хоҳиш-иродаси муҳим аҳамиятга эга. Мазкур қонунда вафот этган шахснинг хоҳиш-иродаси билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш қатор нормалар мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, қонуннинг 5-моддасига кўра, вафот этган шахснинг хоҳиш-иродаси оғзаки (гувоҳлар ҳозирлигида) ёки ёзма шаклда ифодаланган, патологик-анатомик ёриб кўришга розилиги ёки рози эмаслиги ҳақидаги, ўз жасаидан (сақланиб қолган тана қисмларидан) органлар ва (ёки) тўқималар ажратиб олинишига, у ёхуд бу жойга, у ёки бу урф-одатлар ва анъаналар бўйича, илгари вафот этган у ёки бу шахснинг ёнига дафн этилишига розилиги ёки рози эмас-

лиги мувофиқ дафн этиш ва дафн этиш учун жойни текин бериш қафолатларини белгиланган.

Қонунда дафн этиш учун нафақа ҳамда моддий ва бошқа ёрдам кўрсатиш масалалари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган.

Дафн этиш жойини ташкил этиш учун ер участкасини танлаш ва ажратиш, дафн этиш жойларини сақлаш ва ободонлаштириш, дафн этиш жойларининг сақланиши устидан экологик назорат ва санитария-эпидемиология назорати, эски ва илгари номаълум қабрларга бўлган талаблар ҳам қонунда ўз ифодасини топган. Қонуннинг 13-моддасига кўра, дафн этиш жойини ташкил этиш учун ер участкасини танлаш жойининг гидрогеологик тавсифлари, рельефи хусусиятлари, типрофи таркиби, атроф-муҳитга тушадиган экологик юкнинг йўл қўйиладиган энг юқори чегараси ҳисобга олинган ҳолда шаҳарсозлик ҳужжатларига, аҳоли пунктларини ва ҳудудларини барпо этиш қоидаларига, шунингдек, санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ амалга оширилиши ҳамда у дафн этиш жойининг номаъраиан узок муддат мавжуд бўлишини таъминлаши кераклиги белгиланган.

Қонунда дафн этиш жойла-

публикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қароридан мазкур қонун ижросини таъминлаш юзасидан аниқ вазифалар белгиланган. Жумладан, мазкур қарор билан Дафн этиш жойларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Мазкур Низом мамлакатимиз ҳудудида дафн этиш жойлари ва қабр усти ёдгорликлари иншоотларини сақлаш, улардан фойдаланиш тартибини белгилайди. Шунингдек, мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дафн этиш жойларини сақлаш ва ободонлаштиришга юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонларидан фойдаланиш тартибини белгиловчи Дафн этиш жойларини сақлаш ва ободонлаштиришга юридик ва жисмоний шахсларнинг хайр-эҳсонларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланди.

Таъкидлаш жоизки, «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги қонун концептуал хусусиятга эга бўлиб, ўтганларнинг ёди ва хотирасига алоҳида ҳурмат ва эътибор билан ёндашадиган халқимизнинг миллий урф-одатлари ва қадриятларига риоя қилишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ўза мухбири
Хусниддин БЕРДИЕВ
ёзиб олди

Оила халқимизнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос бўлган гоят муҳим ҳаётий қадриятлардан ҳисобланади. Мамлакатимиздаги ижтимоий демографик аҳволнинг муҳим хусусияти жамиятнинг асоси бўлган кучли оила тизимидир. Шунинг учун ҳам юртимизда оилани мустаҳкамлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Давлат улкан бир оила. Унинг ривожланишида ҳар бир оиланинг ўрни бор. Шу сабабдан оила давлат ҳимоясидадир.

Жамиятимиз оилалардан иборат экан, турмуш тарзи, фаровонлик, тинч-тотув яшаш ҳар биримизнинг жонажон ишимиз ва жамият олдидаги бурчимизга айланиши зарур. Чунки оила тинч ва фаровон бўлса, жамият ҳам тараққий этади.

Шу маънода оилавий муносабатларнинг асоси ҳисобланган никоҳ масаласи оила

Никоҳ — муқаддас

ҳуқуқида катта аҳамиятга эга. Сўнгги пайтларда нафақат оддий никоҳ, балки нотариал гувоҳлантирилган тартибдаги никоҳ шартномаси ҳуқуқий институти ҳам ҳаётимизга кириб келди.

Оила кодексининг 13-моддасига мувофиқ, республикамиз ҳудудида фуқаролик ҳолаги далолатномаларини қайд этиш органларида тузилган никоҳгина тан олинishi белгиланган, бу ҳолат оила муносабатларини тартибга солиш асосий шартлардан биридир.

Никоҳ муносабатларига кириш учун маъ-

лум шартлар талаб қилинади, яъни никоҳни ФХДЭ органида рўйхатдан ўтказиш зарур. Бу эса никоҳнинг ҳуқуқий кучга эга бўлишига асос бўлиб хизмат қилади. Никоҳдан ўтишнинг ихтиёрийлиги, никоҳ ёши, никоҳдан ўтишга монелик қиладиган ҳолатлар бўлмаслиги, никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтишлари зарур.

Республикамизда никоҳ ёши аёллар учун 17, эркаклар учун 18 қилиб белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги қарори билан тасдиқланган «Ни-

коҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги низомга кўра руҳий, гийҳвандлик, таносил, сил касалликлари ва ОИВ/ОИТС бўйича тиббий кўрикдан ўтилади. Тиббий кўрикдан ўтиш муддати никоҳланувчи шахслар тиббий муассасасига мурожаат қилган кундан бошлаб икки ҳафтадан ошмаслиги керак. Агар тиббий кўрикдан ўтиш ҳажми тартиби бузилиб никоҳ тузилса, бундай никоҳ суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилгани мумкин. Бундан ташқари, никоҳдан ўтишга монелик қилувчи ҳолатлардан яна бири, никоҳдан ўтувчининг яқин қариндошлиги ҳисобланади. Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳни қонун йўли билан тақиқлаш ахлоқий ҳамда биологик нуқтаи назардан тиббиёт фанининг ютуқ ва хулосаларига асосланади.

Мухайё АХУНЖОНОВА,
Кўкон шаҳар ФХДЭ бўлими мудираси

Ҳикмат излаганга

Ҳикмат бу дунё



Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенга-
шининг Хоразм вилоят вакили Зулфия Бобонова
билан ҳамсухбат бўлган киши опанинг ширин суханига,
камтарлигига тан беради. Албатта, бу хиллатлар Зул-
фияхонимда ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Миллий анъана
ва қадриятлар, илму маърифат қадр топган оилада
камолга етганлиги туфайли опа ўзида одамийликнинг
энг олижаноб жиҳатларини жамлай билган. Биз бунга у
кишининг хонадонидан бўлиб, волидаи маҳтарамаси
Раиса эна билан суҳбатлашганимизда яна бир
кара амин бўлдик.

Раиса энанинг илк сўзлариёқ шавқимни уйғотди.

— Болам, чолимга чой дамлаб беролмаётганимдан жуда хижолатдаман. Хасталик курсин. Қариганингдан ундан қутулиш қийинроқ бўларкан.

Онахоннинг баҳорда оёғи сингач, бир муддат тўшакка михланиб қолиб, соғлиги энди тиклана бошлади.

— Онажон, келинингиз отамга жуда яхши қараяптилар-ку, — табассум қилади Зулфия опа ва изоҳ беради, — Онам шу пайтгача отамга ўзи чой дамлаб, овқат қилиб берган. Келинимиз ажойиб, чақон, саришта аёл. Шундаям онам отамни ўздан бошқага ишонмайди.

Онахон бир зум тин олгач, ҳикоясини бошлади.

— Қизим, бизнинг ёшлигимиз уруш йилларига тўғри келган. Ёшлик — умр баҳори, ҳаётнинг энг ширин онлари деган фикрларни кейинчалик китобларда ўқиб билганмиз.

1941 йил июнда Самарқанд бухгалтерия техникумини битираётган эдим. Германия билан уруш хавфи борлигини айтиб, биздан шошилиш битирув имтиҳони олишди. Йигитларни армияга узатишди, қизларни вилоятларга тақсимлашди. Мен 20 нафар тенгқурим билан Хоразмга келдим. «Упрадик»да, «Полвон-Фозовот» иншоотида ҳисобчи бўлиб иш бошладим. Шароит огир. Қиз бола хор бўлиши ҳам ҳеч гапмас. Ана шундай замонда худойим мени ёрлақаб Ражаббой акага рўбарў қилди. У киши ҳам фронт орқасида мардонавор меҳнат қилаётганлардан экан. Илмли, зиёли одамлигини кўриб, у кишига ҳурматим ошди. Шунинг учунми, оила қуришни таклиф қилганида рад қилолмадим.

1943 йилда тўйимиз бўлди. Уруш йилларида қанчалаб умрлар хазон бўлди. Уруш орқасида неча одам очлик қурбонига айланди. Биз икки тан-бир жон бўлиб, бу қийинчиликларни енгдик, болам. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Бир куни сўқмоқ бўйлаб кетаётсам, бир-бир ярим ёшлардаги болакай беҳуш ётибди. Қўлимга олиб, юрак урушини эшитиб кўрдим. Тирикка ўхшайди. Уни опичлаганимча онасини излай бошладим. Юз қаддамча нарида у ҳам беҳуш ётган экан. Олдин чақалоқни, сўнг онасини ишхонамизга олиб келиб, ётқиздим. Бироздан кейин ўзларига келишди. Очликдан мадори қуриб қолишган экан шўрликларнинг. Бир бурда нон бердим. Гуруч қайнатиб едирдим. Бечора аёл хўн-хўн йиғлади. Бир ховуч ун бериб, узатиб қўйдим. Кечқурун раҳбаримизга бўлган воқеани айтиб берганим, «жим» дея кўрсаткич бармоғим билан ишора қилди. «Бу ишинг учун ҳукумат сени нима қилишини биласанми? Иккинчи бунақа гапни гапирма. Мен ҳам ҳеч нарса эшитмадим». Раҳбаримиз тушу-

надиган одам эди. Иншоотда ишлайдиган одамга кунига бир юз йигирма грам ун бериларди. Шу урни тақсимлаш менга юклатилган. Ҳар куни неча одам иш, бугдой, ун сўраб келади. Рухсатнома бераман. Раҳбаримизга айтсам, яна гапирма, лекин одамларнинг очдан ўлишига ҳам йўл қўйма, дейди бечора.

Уруш йиллари суткасига йигирма соатлаб ишлаганмиз. Мен ҳам ҳисобчиман, ҳам далада ишлайман. Кечалари эса ип йигириб, пайпоқ, қўлқоп, хуллас, аскарлар учун кийим-бош тўқийман. Ўша йиллари ҳамма мева ва сабзавотларни қуритардик. Қовунми, қовоқми ҳаммасини. Тарвузни қуритамиз, деб роса овера бўлганмиз. Аммо буни эп-лолмаганмиз.

Ражаббой ака ҳам тиним билмасди. Хива педагогика билим юртининг биринчи битирувчиларидан бўлган Ражаббой Бобонов кейинчалик Урганчдаги гидротехникумда бир пайтнинг ўзида ҳам ўқиб, ҳам ўқитувчилик қилди. Чаласаводликни битириш курсларида сабоқ берди. Тракторчилар тайёрлаш курсида ўқиди. Уруш бошланган пайтда Самарқанд Давлат университетининг химия-биология факултетидан тахсил олаётган Ражаббой ўқишни ташлаб, Шовот туманидаги Бўйрачи иншоотида ишлади.

— Уруш тугаганлиги ҳақидаги хабардан шундай қувонганмизки, — кўздан ёш қалқийди Раиса онанинг. — Болаларимнинг отаси оқ отга миниб, қишлоқдагиларга хушxabарни етказган. Ўша манзара кўз олдимда бир умрга муҳрланиб қолган.

Урушдан кейинги йил уларнинг хонадонига қувонч кириб келди: Рўзимбой туғилди.

Эр-хотиннинг тупроғи бир жойдан олинади деганлари бежиз эмас экан. Ражаббой ака ҳам, Раиса опа ҳам ҳеч тиним билшмасди. Ражаббой ака Жамоа хўжалигида ер ўлчовчи муҳандис (землямер) бўлиб ишларди. Биологиядан яхши хабардор эмасми, кўчат экишни, пайванд қилишни яхши кўрарди. Ҳозир Журён қишлоғига бориб қолсангиз, йўл бўйларидаги оқ тулларга кўзингиз тушади. Булар Ражаббой отанинг туллари.

— Қайси йил эканлиги эсимда йўқ. Кўшқўпир туманига трактор келди. Шу тракторни ҳам биринчи бўлиб хўжайиним ҳайдаган. Аммо қайнонам ўғлининг бошқа туманга бориб ишлашидан норози бўлган. Шунинг учун у киши яна қишлоғимизга қайтиб келди, — дейди Раиса опа. — Кейинчалик устачилик гуруҳи бошлиғи, Урганч шаҳар судида котиб бўлиб ишлади.

Қайси йили болаларим бизнинг олтин тўйимизни қилиб беришди. Ўшанда бизни қутлаган меҳмонлардан бири «Минг туп кўчат етиштирган одам жаннати

бўларкан. Ражаббой ака етиштирган кўчатларнинг, тарбияланган даракларнинг сон-саногини йўқ. У кишига неча жаннат садага бўлсин» деди. Бу гапда муболага йўқ, болам. Журённинг қайси ҳовлисига бош суқманг, унда Ражаббой ака етиштирган ниҳол мева бериб турганини кўрасиз. Меваларнинг турини айтмайсизми? Хўжайиним ҳатто чаканда ҳам етиштириб берган. Кейинчалик, нафақага чиққач, чўгирма тикиш билан ҳам шуғулланди. Огахий театри актёрлари спектаклларда киядиган попоқларни менинг чолим тиккан.

Вақт шу зайлда ўтаверди. Бирин-кетин оила катталаша борди. Гулчеҳра, Зулфиялар дунёга келишди. Фарзандларини меҳр билан тарбиялаётган Раиса опа кейинги ҳаётини ўқитувчиликка бағишлашга қарор қилди.

— Фарзандларимни тарбиялаш жараёнида билим бериш, ўргатиш нақадар мароқли иш эканлигини илғадим, — дейди Раиса она. — Олдинги Хива педагогика техникумида, кейинчалик Нукус Давлат педагогика институтидан тахсил олдим. Ҳам ўрта мактабда, ҳам кечки мактабда сабоқ бердим. Техникумда ўқиб юрганнида Комилжон, институтда ўқиб юрган кезларим Зайнаб дунёга келди.

Салкам ўттиз йиллик педагогик фаолияти давомида Раиса Аҳмаджонова болаларга билим бериш билан бирга, одамийликдан, ҳалолликдан ҳам сабоқ берди.

— Онамнинг нафақага чиққанига 35 йил бўлди. Аммо шогирдлари ҳозиргача йўқлаб келади, — дейди Зулфия опа. — Онам ҳалигача шогирдларининг исм-шарифларини унутмаган.

— Шогирд ҳам фарзанддай гап ахир, — дейди Раиса она. — Мен Хивадаги Навоий номли мактабда дарс берганман. Ўқувчиларим неча марта фан олимпиадаларида ғолиб чиққан. Ўша йиллари Каримбой Бойназаров, Отажон Ёвбосаров, Назар Матёкубов каби ажойиб инсонлар мактабимизга директорлик қилишган. Мен кўп йиллар синф раҳбари бўлганман. Синф раҳбарининг зиммасига ўқувчиларнинг оиласи билан ишлаш юклатилган эди. Ҳар куни кечқурун мол-ҳолимнинг хабарини олиб, болаларимга овқат тайёрлагач, ўқувчиларимдан бирининг уйига борардим. Ота-оналари билан дилдан суҳбатлашардим. Ўқувчиларнинг яхши-ёмон жиҳатларини айттардим.

Биз онахоннинг фарзанд тарбияси ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.

— Болани меҳр билан парваришлас керак. Авваламбор, ҳалол едириб-ичириш керак. Кичкиналигидан меҳнат қилишни ўргатиш зарур. Одам меҳнат билан улуг. Бола ота-онанинг сўздан эмас, хатти-ҳаракатларидан

ибрат олади. Буни ҳар бир ота-она ёдда тутиши лозим. Биз болаларимизга бирон марта ҳам ҳаром лўқма едирмаганмиз. Улар яхши яшасин, ҳаётда қийналмасин деб, керак бўлса, икки-уч сменада ишлаганмиз, лекин биронинг ҳақиға кўз олайтирмаганмиз. Чолим билан боғлиқ бир воқеа эсимга тушди. У кишининг устахонага бошчилик қилганини айтгандим. Ўша кезлари бир раҳбар менга фалон куб тахта бераман, дея дағдаға қилганини, аммо виждони йўл қўймаганини, тахта бермаганини айтганди. Орадан кўп ўтмай ярим кечаси кўйлақлари йиртилган, бадани тирналган ҳолда кириб келди. Кўриб кетдим. Нима гапчилигини сўрасам, ўша раҳбар изига тушганини, машинаси билан уриб юбормоқчи бўлгани-ю, ўзи велосипедни четга оламан деб сойга йиқилганини айтиб берди. Ишонасизми, кўп ўтмай ўша раҳбарнинг уйи ёниб кетди.

— Ҳаром лўқма ҳеч кимга буюрган эмас. Яхшилик эса доим ғолиб чиққан, — дейди Раиса она. — Болалар яхши-ёмоннинг, ҳалол-ҳаромнинг фарқиға бориши учун уларни илмли, билимли қилиб тарбиялаш керак. Мол-дунёга эмас, китобга меҳри банд қилиб ўстириш лозим. Нафақага чиққунимча атиги иккитагина кўйлагим бор эди. Лекин китоб жавонимиздан китоб дўконига келган ҳамма яхши китоблар жой оларди. Чолим ҳам, мен ҳам қай шаҳарга бормайлик, китоб дўконига кирмасдан, биронта китоб харид қилмасдан ортга қайтмасдик. Китобга меҳр туфайли фарзандларимнинг, невараларимнинг ҳаммаси зиёли инсонлар. Рўзимбой ўғлим алоқа институтида сабоқ беради, 38 ёшида ҳаётдан кўз юмди. Гулчеҳра қизим математика ўқитувчиси бўлган, ҳозир нафақада, яқинда Ҳаж зиёратига бориб келди. Худди ўзим боргандай қувондим. Зулфиямни биласиз. Комилжоним хусусий корхона раҳбари. Зайнабим «Миллий тикланиш» партияси вилоят кенгашида бош мутахассис. 15 невара, 18 чеварам жоним ичинда жонларим. Уларнинг сабоқларига қўмақлашсам, роҳат оламан. Келинларим ҳам институтида ўқитганман. Невара келинларим ҳам ўқитувчи. Уларни ҳам қўшимча хунар эгаллашга ундаб тураман. Аёл киши йўқни йўқдориши керак дейман.

— Бу дунё сирли дунё, — дейди Раиса она. — Чолим юз

ёшни, мен тўқсонни қораладим. Ҳали ҳам билганларимдан билмаганларим кўпчилигини ҳис қиламан. Чевараларим билан дарс тайёрлаб ўтириб, гоҳида ҳаёлга берилмаман. Бу болалар ўн-ўн икки ёшда рус, инглиз тилларини билишади. Химия, физиканинг сирларини ечишга уринишади. Уларга ҳавасим келади. Ҳаёт инсонга бир марта берилади. Бу ҳаётни ушлаб ҳам, яшаб ҳам ўтказиш мумкин. Баъзи биронлар зеб-зийнат деб, мол-дунё деб ҳаётини қурбон қилишади. Ахир улар тош-ку, қоғоз-ку. Чолим иккимиз шу ёшимизда ҳам газета-журнал ўқиймиз. Телевизор кўраман. Кўпинча ахборот дастурларини, илмий-маърифий кўрсатувларни кузатаман.

Раиса она жимиб қолади. — Зулфия қизим яхши қараяпти-ю, аммо ўзимнинг уйимга кетгим келяпти. Чолимни соғиндим.

Онахоннинг кўзи намланади. — Чолимнинг кўзига кўринишга ҳам хижолат тортаман. Мана буни қаранг, — дейди белларини ўпиб турган икки ўрим сочили кўрсатиб.

— Сочларингиз узун экан, — дейман мен.

— Нималар деяпсиз, болам. Сочларим товонимни ўпарди. Чолим сочларимни яхши кўрарди. Касал бўлганимдан кейин анча тўкилди. Бу калта сочлар билан у кишининг кўзига қандай кўринаман, билмайман.

Раиса она билан суҳбатимиз узоқ давом этди. Гоҳида у кишини чарчатиб қўяётганимдан хижолат тортсам, гоҳ 90 ёшли онахоннинг теран фикрларидан ҳайратга тушиб, ён дафтаримни тўлдирдим. У кишининг дуои фотиҳасини олиб ортга қайтдим. Ўшбу мақолани тайёрлаётганимда Зулфия опа кўнгирак қилиб қолди.

— Онам ўша кунийёқ ўз уйига кетди. Кунни кеча зиёрат қилиб келдим. Қурултой таассуротларини отамга айтиб бердим. У киши биз кўчат экиш ташаббуси билан чиққунимиз, бу юзадан юртдошларимизга муурожаат қабул қилганимизни эшитиб, қувончи ичига сиймай кетди. Бу ташаббусга мен ҳам қўшиламан, мустақиллигимизнинг 20 йиллигига 20 эмас, 200 туп кўчат эканман, янгидан уруғ экиб, янги кўчатлар етиштириб бераман, деди...

М.Тўрабоева



Архив

Азми қатъий, тадбиркор,

●Репортаж



Истиқболи порлоқ соҳа

ёхуд «Андижонбалиқ» МЧЖ доим изланишда

Тўғриси, Марказий Фарғона худудида жойлашган Улуғнор туманига репортаж тайёрлаш учун борганимда, чўл бағрида бу қадар чиройли манзарани кўраман, деб ўйламагандим. Хаёлимдан ҳатто юртимизнинг чўллари ҳам ўзгача чиройли-да, деган фикр кечди. Балки баҳор пайти, табиатнинг уйғониш палласида менга шундай туюлгандир.

Айниқса, биз борган «Андижонбалиқ» МЧЖ биноси олди чиройли таъмирланаётгани, атрофда ям-яшил арчаларнинг кўзни қувнатиб тургани, ичкаридаги кўлларда турли ўрдак ва бошқа қушларнинг эмин-эркин учиб юриши, балиқларнинг қамишзорлар ичида «патирлаб» ётгани бор гап!

— Яқинда бу ерда республика семинарини ўтказамиз, — дейди бизга пешвоз чиққан МЧЖ директори Жаҳонгир Аюпов. — Кўриб турибсиз, бизда шўрланиш анча кучли. Чўлда шунақа бўлади-да. Бинолар тез нураб кетади.

Сўхбатимиз қизигандан қизиди.

— Хўжалигимиз худуди 1650 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган бўлиб, унинг 872,5 гектарида 19 та кўлимиз бор. Амур, оқ дўнгпешона, оқ чипор дўнгпешона, карп, яқиндан бошлаб япон карпи (сазан) балиқлари сунъий урчиштириш йўли билан етиштирилади. Ўтган мавсумда эл дастурхонига 500 тонна балиқ маҳсулотлари етказиб бердик. Натижада, 1 млрд. сўмлик дебитор қарзлар ҳам барҳам топди. Бу йил минг тонна балиқ маҳсулотлари етказиб беришни мақсад қилганмиз.

Гурунг асносида билдикки, бу ерда ихтисослаштирилган балиқ хўжалиги 1974 йилда ташкил этилган. Хўжалик бир неча йил самарали фаолият юритган. Бироқ кейинги йилларда ўзибўларчилик, ташмачилик, қаровсизлик оқибатида ноёб маҳсулотлар вилоят бозорлари ва дўконларда камайиб кетди. Хайриятки, 2010 йил ёзида хўжаликка тажрибали раҳбар келиб, етук мутахассис ва тажрибали инсонларни тўплаб, тадбиркорлик билан иш юритди.

— 33 йилдан буён меҳнат қиламан, —

дейди бизга кўлда ҳамроҳлик қилган Баҳромжон Рустамов. — Ўғлим ҳам шу ерда ишлайди. Узоқ йиллар хўжаликнинг яхши ва оғир кунларини кўрдик. Ҳозир аҳвол тубдан ўнгланди. Ойлик маошларимиз ҳам ошди. Шу десангиз ҳар бир балиқни битталаб кўлдан ўтказамиз. Чунки сунъий уруғлантришни бусиз эплашнинг иложи йўқ. Аммо машаққатли меҳнатимиз рўёбга чиқаётганидан мамнунмиз.

Ҳозир хўжаликнинг инкубация цехида иш жараёни қизгин давом этмоқда. Илгари уруғ четдан олиб келинган бўлса, эндиликда инкубация цехининг таъмирланиши натижасида бу ноёб маҳсулот шу ернинг ўзида олинмоқда. Жорий йилда хўжалик мутахассислари балиқни қайта ишлаш цехини ишга туширишни режалаштирмоқда.

— Юртбошимиз томонидан тадбиркорларга қулай шароитлар яратиб берилмоқда. Бундан самарали фойдаланиб, банкдан кредит олиб яқинда Россия ёки Хитойдан балиқни қайта ишлайдиган ускуна олиб келиш ниятидамыз, — дейди МЧЖ директори. — Натижада, музлатилган балиқларни ёзда ҳам эл дастурхонига етказиб бериш имкони пайдо бўлади. Яна балиқ ёғи олиш ва балиқ уни ишлаб чиқариш йўлга қўйлади. Бу қўшимча 10-15 та янги иш ўрни вужудга келади, дегандир.

Хўжаликда бугун 110 нафар киши меҳнат қилмоқда. Илғор ишчилардан бош балиқчи Т. Бойназаров, М. Худойбердиев, Д. Жўраев, М. Абдуллаевнинг эришилган ютуқларида хизмати катта.

Маҳсулотларни сотишда Андижон шаҳрида 8 та, Асака туманида битта фирма дўконлари ишлаб турибди. Жамоа тасарруфида балиқ маҳсулотларини белгиланган манзилга етказиб бериш учун 5 та автотранспортдан фойдаланилмоқда.

Қаерда омилкорлик ва ишбилармонлик билан иш юритилса, ўша ерда ижобий натижа тезроқ кўзга ташланади. Биз буни «Андижонбалиқ» жамоаси мисолида кўрдик.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири.

Абдуносир ҚўЧҚОРОВ олган сурат

Кўчма дўкон уруғ сотади

Олтинтепа қишлоқ фуқаролар йиғини Гулистон туманидаги йирик аҳоли масканларидан саналади. Фуқаролар йиғинида 6475 нафар аҳоли истиқомат қилади. Қишлоқ аҳолисининг асосий қисми ишбилармон, тадбиркор. 13 та савдо дўкони, 12 та тегирмон, 15 та маданий-маиший ва сервис хизмати кўрсатувчи объектлар аҳоли хизматида.

Қишлоқларда ҳар бир қарич ер эъзозда.

— Олтинтепа исмига монанд, ҳар бир қаричи олтин, — дейди ҚФЙ раиси Абдулла Холматов. — Аҳоли томорқаларидан ҳар йили катта даромад олади. 60 та хонадонда иссиқхона барпо этилган. Улар йилига 10-15 миллион сўм фойда кўришади.

Раис ҳамкорлигида Дўстлик қишлоғидаги Ўрозали Ирисбоев хонадонидан бўлди.

— Томорқамда иссиқхона ташкил этганимга 14 йил бўлди, — дейди хонадон сохиби. — Унда қарам, помидор, бодринг кўчатларини етиштирамиз.

Йилда тўрт марта ҳосил оламиз. Жорий йилда Олтинтепада катта ўзгаришлар рўй бераётганига гувоҳ бўлдик. Янги тадбиркорлик субъектлари барпо этилиб, ёшлар доимий иш билан таъминланганидан қувондик. Қишлоқ тадбиркорларидан Бахтиёр Парпиев тикув цехи очиб, 40 нафар хотин-қизни иш билан банд этган бўлса, Дониёр Тошматов гишт заводи қуриб, 100 нафар йигитни меҳнатга жалб этибди.

Қишлоқда ҳаёт қайнайдими. Томорқа олиб, экин ўстираман деган инсонларга катта имконият яратиб берилаяпти. Яқинда «Агробанк» вилоят бошқармаси томонидан ташкил этилган кўчма уруғчилик дўкони қишлоққа келиб, 20 хилдан зиёд экин уруғларини томорқачиларга имтиёзли тарқатди. Шу куни 100 дан зиёд хонадон кўчма дўкон хизматидан фойдаланди.

Анорбой НОРҚУЛОВ



Мижозлар

Бугунги кунда молиявий муассасалар фаолиятисиз ҳаётимизни тасаввур қилиш қийин. Чунки жисмоний ёки юридик шахс бўлишимиздан қатъи назар, тез-тез банк муассасаларига мурожаат қилишга ва уларнинг хизматидан фойдаланишимизга тўғри келади.

Пойтахтимиздаги АТИБ «Ипотекабанк» Ҳамза туман филиали фаолиятига назар соладиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган чорагида кенг қўламли ишлар амалга оширилганини кўраемиз. Молиявий рентабеллик даражаси 9,6 фоизни ташкил этди. Бу эса, ўз навбатида, сарҳисоб даврида биргина кичик бизнес субъектларига режага кўра, 2160 млн. сўм ўрнига 2201,7 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратиш имкониятини берди. Микрокредитлар миқдори эса

407,1 млн. сўм ўрнига, 907,4 млн. сўм даражасига етди. Тадбиркор аёлларга эса 135 млн. ўрнига 401,7 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

— Бундан ташқари, сарҳисоб даврида ёш оилаларга ипотека ва истеъмол кредитлари етарли миқдорда ажратилди, — дейди мазкур филиал бошқаруви раиси ўринбосари Бахтиёр Ҳошимов. — Шу билан бирга, филиалимиз мутахассислари томонидан Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки йўналиши

ХУШЁР, МАРД ВА ШИЖОАТЛИ

Жиззах азал-азалдан уста боғбонлар, ер билан тиллашиб келган соҳибкорлар маскани бўлган. Бу заминда етиштирилган мевалар таъми ўзгача... — Боғдорчилик, сабзавотчилик кундан кунга ривожланиб бормоқда. Янги боғлар яратиш, мавжудларини янгилаш жараёни қизғин кечмоқда, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши масъул ходими Тўлибой Тўйчиев. — Бунда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V Курултойи делегатларининг мурожаати ҳамда вилоят ҳокимининг «Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига — менинг тухфам!» шиори остида ҳар бир фуқаро томонидан 20 тупдан кўчат экиш бўйича қарори дастуруламал бўлмоқда.

борада қилиниши лозим бўлган долзарб ишлар ҳали олдинда эканлигидан далолат беради.

Олмазор қишлоғи ҳудудида деҳқон хўжалиги очиб фаолият юритаётганлар 76 тани ташкил этади. Уларга ажратилган ер майдонларида янги боғ ва тоқзорлар яратилапти. Ана шулардан бири Эгам ота Самадовлар хонадони саналади.

— Меҳнатда ҳикмат кўп, — деган эди

БОҒ ОРАЛИҒИДАГИ ЭКИН

Кўшимча маҳсулот ва даромад манбаи

Ҳозиргача вилоятда 1367,7 гектар янги боғ, 226,8 гектар янги тоқзор барпо этилди. 282 та фермер хўжалигида 1249,2 гектар боғ ва 61 та фермер хўжалигида 323,8 гектар тоқзор қайта ташкил қилинди. Шунингдек, интенсив технологияга асосланган, яъни томчилатиб суғориладиган боғлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бахмалда 20, Фаллаоролда 20, Жиззах туманида 8,1, Зоминда 50, Янгиободда 10 гектар майдонга 146,7 минг туп кўчат экилиб, ана шундай боғларга асос солинди.

Вилоятдаги фермерлар меҳнати кадрланиб, уларга кредит ресурслари, лизинг асосида замонавий техникалар етказиб берилаётганлиги ҳам ер соҳибларининг бир ғайратига ўн ғайрат кўшмоқда.

Пахтакор туманидаги Олмазор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Х.Абдуҷабборов номидаги хўжаликда 1200 гектар экин майдони бўлиб, йигирмага яқин фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда.

Фермер Бобо ака Ғайратов қизиқ бир воқеани сўзлаб берганди. Узоқ вилоятдан тажриба алмашишга келган бир гуруҳ мусобақадорлар ёзнинг айни жазирамасида роса дала айланишиб ҳоригач, тин олиш учун Бобо ака даласида тўхташди. «Бу меҳмонлар қўлига бир пиёла сувдан бўлак ҳеч нарса тутқазма олмадим», — деди суҳбатдошим афсус билан.

— Боғ ва тоқзорларни далаларимиздан қисиб чиқараётганимиз аччиқ ҳақиқат, — сўзини давом эттиради ҳамроҳим. — Хўжалигимизга қарашли 42 гек-



тар экин майдонининг 5 гектарида эски боғ, 2 гектарида янги боғ мавжуд. Лекин биздан ҳозиргача боғ оралиғига ҳам пахта экишни талаб қилиб келишди. Минг бора шукур, бугун боғ ва тоқзорларга нисбатан қарашлар ўзгарди. Эндиликда боғ оралиғида сабзавот, полиз ва бошқа турдаги экинларни парваришлаб, гектаридан 1,5-2 миллион сўм кўшимча даромад қилишга имкон яратилди.

Вилоятда ҳар бир ташкилот, корхона ўз имкониятидан фойдаланиб чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, деҳқончилик, боғдорчилик, мевачилик, узумчилик, сабзавотчилик билан шуғулланиб, ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш орқали ўз ишчи-хизматчиларини озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлашга энг шимариб киришган бир пайтда шахсий томорқалардан фойдаланиш аҳволига бирров назар солиш фойдадан холи бўлмас. Аҳолига ажратиб берилган 31,6 минг гектар томорқа майдонининг атиги 2,9 минг гектарини боғлар, 1,3 минг гектарини тоқзорлар ташкил этаётгани бу

отахон бизга, — умр бўйи меҳнат қилиб кам бўлмадим. Невара-чевараларимга ҳам доимо шуни таъкидлайман.

Айтишларича, деҳқон хўжалигига қарашли бир ярим гектар ер тўлиқ боғ қилинган. Ўтган йили шу боғ орасига бугдой экилиб, тўққиз тонналик хирмон кўтарилибди. Экиндан бўшаган майдонга такрорий экин — маккажўхори экилиб, ундан ҳам мўл ҳосил етиштирилган. Ана шу оралиқ экиндан оила бюджетига кўшимча беш миллион сўмлик даромад келган.

Боғ кўчатлари оралиғи 7x8 квадрат метр қилиб экилгани диққатни тортади. Суҳбатдошим бу «сир»ни оддийгина қилиб изоҳлайди: «Юртимизда ернинг ҳар қаричи олтиндан қиммат. Қолаверса, умри зое ўтган ер ҳам қарғайди. Гектарига икки юз туп кўчат жойлаштирилганман. Бунда кўчатлар оралиғига техникада ишлов бериш қулайлиги билан бир қаторда оралиқ экинни ҳам бемалол экиб олиш мумкин.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Бўстон чинилари

Кизилтепалик тадбиркор Мухторжон Шарипов ўтган йили Бўстон кўрғончасида чинни ишлаб чиқариш корхонасини қуришга киришди. Банкдан олган 10 млн. сўм кредит эвазига Хитойдан келтирилган хумпечни ўрнаттирди. Корхона менежери Хайрулла Саидовнинг эътирофи этишича, Россия технологияси асосида тайёрланаётган маҳсулотлар 20 нафар ёш хунарманд кўлида жило ва сайқал топаётир. Корхонада 7 турдаги чинни маҳсулоти тайёрланмоқда. Улар Бухоро вилоятининг Шофиркон, Фиждувон, айникса, Навоий шаҳри бозори пештахталарини безаб турибди.

Дарвоқе, келгуси йил бошидан корхонада совгабоп чойнак-пиёла, чинни ликобчалар ишлаб чиқаришга ҳам асос солинади. Электр тармоқлари идоралари томонидан тушаётган буюртмаларни ҳисобга олган ҳолда, ток ўтказишдан муҳофазаланган маҳсус электр чойнаклар ишлаб чиқариш ҳам кенг кўламда йўлга қўйилади.

Бу йилги ҳудудий саноат ярмаркасида меҳнат жамоаси икки томонлама манфаатли шартномаларни имзолашга муваффақ бўлди. Бу корхона жамоаси учун янада рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масъулиятини юклайди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Кўнглига йўл топиб

бўйича ҳам эътиборли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган йилнинг шу даврида жамаи кредит портфели миқдори 1081,5 млн. сўм бўлса, бу кўрсаткич жорий

йилнинг 1 апрел ҳолатига 1651,8 млн. сўмни ташкил этди. Бунинг натижасида 833,88 млн. сўмлик кредит лойиҳалари молиялаштирилди. Шундан 22 минг АҚШ

доллари миқдоридидаги кредитлар нақд пул кўринишидадир.

Филиал жамоасининг аҳоли бўш пул маблағларини жалб этиш, савдо ва хизмат кўрсатувчи корхоналарга терминаллар ўрнатиш, коммунал тўловларни қабул қилиш бўйича яратилаётган шароитлар ва эътиборга молик ишлари хусусида ҳам кўпгина мисолларни келтириш мумкин.

Энг муҳими, банк томонидан яратилаётган қулайликлар нафақат аҳолининг, балки тадбиркорларнинг ҳам оғирини енгил, мушкулени осон қилмоқда. Бу эса мижозларнинг мазкур банкка нисбатан ишончларини тобора мустаҳкамламоқда.

Наргиза Жўрабекова



Ўтмишда яшил шаҳар, сабзавот кент номи билан машҳур Шаҳрисабзда деҳқончиликка ёшлигидан меҳри тушган фидойилар кўпчиликни ташкил этади. Шундай инсонлардан бири Абдуҳад ака Очиллов хонадонидан ҳамшиша анвойи гулларнинг ифори таралиб туради.

Гулчилар сулоласи

Қирқ йилдан бери гулчилик билан шуғулланиб келаётган қалби дарё отахонни нафақат Шаҳрисабзда, балки Яққабоб, Китоб, Қамаш, Чироқчи, Ғузор, Қарши ва Самарқандда ҳам яхши билишди.

Абдуҳад ака 18 сотихлик томорқаси ва у ерда қурилган иссиқхонада 200 турдан ортиқ лолалар, Вашингтон палмаси, Хитой атиргуллари, Москва пилорганяси, нарцис, геран, соябон гул, бегония каби антиқа гуллар етиштиради.

Вилоят ҳокимлиги БМТ тараққиёт Дастури томонидан амалга оширилаётган «Худудларни комплекс ривожлантириш» лойиҳаси асосида Абдуҳад акага иссиқхона қуриш учун 5,6 миллион сўмга яқин ёрдам кўрсатилган бўлса, қолган маблағни унинг ўзи топган.

— Оилавий бизнесни гулчиликдан бошлаган Абдуҳад ҳар йили 10-11 миллион сўм даромад олади, — дейди «Нуроний» кенгаши туман бўлими раиси Боқи Эргашев. — Айни пайтда ўғли Комилжон ва бошқа фарзандларида ҳам табиатга меҳр уйғотган. Ҳатто қишлоқдаги умумтаълим мактаби ўқувчилари келиб, отахоннинг иссиқхонасида биология ва ботаника фанидан машгулот ўтказишади.

Иzzат ҲИКМАТОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

КўнгиЛ

Оҳаданглари

Жамила ЭРҒАШЕВА

Аччиқ ҳақиқат

Азиз дўст!

Сенинг хиёнатинг ҳаётимни издан чиқариб юбора олмайди, юрагимга бир армон юкини ортади, холос.

Сенинг омонатинг — камимни тўлдиргучи бир мулк эмас, ундан бўй етган қизнинг онасидай жоним ҳалак ҳамиша,

Сенинг оқибатлилигинг — толе чўққисидаги сўнги зина эмас, юз ҳисса қилиб қайтаришим керак бўлган қарз.

Сенинг ақлу фаросатинг менинг баъзи бефаросатликларимни фош қилиб кўяр, аҳтимол...

Аммо сенинг хиёнат қилмоғингдан жуда кўрқаман. Ўзингга ҳам азиз бўлган ниманидир менга ишониб топширмоғингни жуда иштайман. Дунёда оқибатли, ақлли, фаросатли одамлар кўп бўлишини орзу қиламан.

Ўзни ўздан ҳоли тут. Ҳоли туриб ҳолингга боқ. Шунда осон бўлади, эзилмайсан маҳзун ҳолингга.

Манфаат

...Ҳаммаси соз эди, сиз-у биз, жиз-у биз. Келинг-келинг, олинг-олинг.

То... коса кўзага тегиб, манфаатлар тўқнашмагунча... Кейин йўллар айри тушди.

Нафс

Кўз дарё-да. Хоҳласанг, хоҳламасанг, кўрасан, кузатасан.

Дунё эса бир издиҳомга ўхшайди. Унда турли томонга елиб-югуриб юрган турли қиёфадаги одамларга қараб, фақат бир нарсани кўрасан: тилларини осилтириб олган очкўз итга ўхшаш нафсни. Ҳаммасини ўша очкўз ит — нафс бошқаради. Нафс югуртиради, елдиради, ёлғон-яшиқ айттиради, пасткашликлар қилдиради, олижаноб қиёфаларга кириб товланишга мажбур этади...

Умид ўзингдан

...Севинчи олишди: «Сиз уларга жуда ёқиб қолибсиз».

Кун бўйи катта бир мукофот олган одамдай руҳим равшан тортиб юрди.

Кечга бориб, нега ўз-ўзимдан севиниб юрганимга ҳайрон бўлиб, ўтган кунни тафтиш қилдим.

Кейин... ўзимга ўзим ачиниш кетдим: ҳамон гўдакка ўхшайсан-а, қачон улғаясан?

...«Дилдори» берган бўлишди:

— Билмадим, уларга нима ёмонлик қилгансизки, нуқул сизни гийбат қилишади.

— Э-э, — дедим-у, бурилиб кетдим.

Ҳаммаси ўша-ўша: бошим устидаги осмон, оёқларим остидаги ер, кундалик машғулотим, ризку насибам... Фақат, дилимга чироқ ёқса, ёришмайди.

Ё Оллоҳ! Ўзингдан ўзга дўст йўқлигини била туриб, нега кўнгиЛ ўзим каби ожиз бандалар мурувватидан умидвор бўлаверади, кимларнингдир меҳридан суюниб, қаҳридан қуянади? Ахир, энг катта умид ўзингдан, энг улғу меҳр ўзингники, энг улғу қаҳр ҳам фақат сеники эканлигига қачон ўзимни ўргатаман?



Анқиша

Тилимнинг учига нинадек қадалиб турган сўзни аста тишларим орасига олдим. Кўзларимни «чирт» юмиб, олдин бу жағимга, сўнг бу жағимга ўтказдим. Кейин «култ» эткизиб ютиб юбордим, худди дори ичгандек. Дори эмас эди у, аммо доридек анча пайт томоғимга тикилиб турди, у доридек аччиқ эди ва доридек танимни, кўнглимни юмшатди.

Муаллим ҳам она

Аёл болакайни қўйнига олиб, елкаларига оҳиста-оҳиста қоқа бошлади:

— Ҳозир, болам, бир терласанг, энгил тортасан. Кўзларингни юм, ухлагин. Болакай момосининг пинжиги суқилиб, ўзича энгил тортишини кута бошлади. Ҳақиқатан ҳам бир терлаб, бироз энгил тортди. Момоси эса кўзларини бир нуқтага қадаб, ҳамон болани маҳкам бағрига босганича, елкаларига қоқар эди.

— Моможон! ... Момолар ҳам онага ўхшайди-я?.. — кутилмаганда сўз қотди бола.

— Ҳа, болам, момо онанинг онаси, ўзи ҳам асли она-да. Онанинг соғиндингми, болам?

Болам момосининг саволига жавоб бермади. Бир пас ўтиб, яна ўзи сўз қотди:

— Моможон, лекин муаллимлар онага ўхшамас экан.

— Нега? Муаллим ҳам она, у таълим-тарбия беради.

— Бизнинг муаллимимиз ҳам мен сизларнинг иккинчи оналарингизман деган эди, лекин мана, неча кундан бери касал бўлиб ётибман, ҳатто бир марта телефон ҳам қилиб қўймади...

КўнгиЛ экан-да!

Қарз

Шифохонага тушган дастлабки кунларим устма-уст келган йўқловчилар аста-секин камайиб, сўнги кунлар ҳеч ким келмай қўйди.

Бармоқ букиб санадим: у келди, бу келди...

Ҳа, ҳаммаси бир-бир келиб бўлди, қарзидан қутулди.

Энди ўтириб ўйлайман, шунчалар ночормидим мен, соғ-омон юрган кунларим одамларни кўпроқ қарз қилиб қўйсам бўлмасмиди?!

Ахир, одамлар аҳвол сўраш учун эмас, қарзидан қутулмоқ учун излар экан-ку бир-бирларини.

Ғийбат

Азахонадан чиққан хотинлар биринчи муолишдан ўтишлари билан елкаларидаги «ҳамдардлик юк»ини бир-бир юлиб отишди:

— Онанинг ўтиришини қара, ҳеч бўлмаса ёлғондан кўзингни туплаб, «қизим»-лаб тур.

— Қизи тобутнинг ортидан «мени кечиринг, она-жон» деб югурди-я. Шу онасининг ўлимида қизининг ҳам қўли борга ўхшайди.

Бир у деди, бири бу деди: ҳеч нарса қолмади, на уйдаги жиҳозлар, на бе-маҳал ўлим туфайли ҳайрат қотиб қолган кўзлар — манзилга етгунча барча-барчаси бир-бир чайналди.

Ҳолбуки, улар ўзга сайёралар эмас эди, ҳаммаси ҳам тўй қилган, ўлим

кўрган. Яқинидан ажралган дамда элнинг кўзи учун «дод» солиб, йўқлов айтиш кимнингдир қўлидан келади, кимдир кўриб-кузатаётганлари туши ёки ўнглигини ажрата олмай тақдир ишидан ҳайрон-у лол бўлиб ўтираверишини, сўнги дам эмас, ҳар доим она-боладек яқин бўлмасак-да, бир-биримиздан узр ва ризолик сўрасак, бу бағоят олижаноблик эканлигини яхши билишади.

Билишади... Ўша кўз ёшлари бўғзига тикилиб қолган аёлга жуда қийин.

Билишади... Она меҳрига тўя олмай тобут ортидан югураётган қизга жуда қийин.

Билишади... Аммо барибир гийбат қилаверишади.

Унинг гулдек вужуди муздек тўшакларда сўлди, куриди.

Қисматининг аччиқ ризкига шукр қилди.

— Тирикман-ку, қўл-оёғим бутун, кўзларим равшан, онам, болам бор... Юртим тинч.

Нафсига қаноат тилади:

Парвардигорим, қўлим етмас орзуларни дилимга солма, мени йўлдан оздирувчи ҳавасларни кўнглимдан чиқариб ташла. Сен менга нимани раво кўрсанг, мен шунга шукр қилгучиман.

Қарасаки, бу бир тутам, ба-ибодатига ҳам Аммо унинг асраб-авайла ташвиши бор... У ёлғизликни ибодат ва риёзат учун берилган бир имкон деб тушунди, шукр қилди.

Ёши бир жойга етиб, дунё ҳавасларини кўнглидан буткул чиқардим, деган бир дам эшитдики, уни гийбат қилмишлар:

— Фалончи хуфёна эрга тегибди, эришган обрў-эътибори шу эри туфайли эмиш.

У яна шукр қилди.

— Парвардигорим, ўткинчи дунё ҳавасларидан буткул совутмоқ истадингми? Сен нимани истасанг, биз ҳам шуни истармиз.

Умр

Таъма

Ўзни қўйиб, ўзгани ўйлайдиган дўсти нодон қайда бор?

Худбин одамзод учун ўзининг терисидан яқинроқ нима бор? Нима бор ўзининг манфаатидан азизроқ? Аслида «Дўстим, биродарим», дея товланишларда ҳам бир худбин манфаат бор: сиз уни «дўст» деб билинг, дардларига малҳам бўлинг, хизматига жонни фидолар этинг...

У эса сизни бошлаб алдайверади. «Дўстингман» дейди. Бир кун келиб, бу ёлғонга ўзи ҳам ишониб қолади. То манфаатлар тўқнаш келмагунча...

Барчадан дўстлик таъма қилиб, ҳаммага ўзини дўстдай тутадиган, аслида ўзини ҳаммадан яхши кўрадиган бир танишим «оёғи тойиб кетган» биродарига кўрсатган илтифотимга таъна қилди:

«Топган дўстингизни!»

Мен кулдим: «Менинг Оллоҳдан ўзга дўстим йўқ. Одамгарчилик юзасидан меҳр кўрсатмоқ суннатдир».

Дилфуза АБДУЛЛАЕВА

Гавҳар туни билан тиникиб ухлолмади. Йўк, у кўзларини юммади, десак ёлгон бўлади. Бироқ на жисми, на руҳи бирон сония ором олди. Кўзи юмилди дегунча, алоқ-жалоқ тушлар кўради: кимлардир уни қувади, у бўлса бирда тоққа чиқиб қочади, бирда сувга шўнғиб қутилади. Чўчиб уйғониб кетаверади. «Қочиш»дан чарчаган Гавҳар ўрнидан туриб, ошхонага ўтди. Пиёлага совиб қолган чойдан куйиб, бир қултум хўплади. Боши ғувуллайди, қовоқлари тош осгандек. Шу кўйи стулга ўтириб, бошини тирсакланган кўлига суюди. Кечқурун опаси билан телефонда бўлган суҳбат хаёлидан ўтди.

— Гавҳаржон, қачон келасан, — опасининг овози йиғи аралаш чикди.

— Шанба кун, ишдаман-ку!

— Тезроқ келгин.

— Нима гап, дадамнинг соғликлари яхшими?

— Яхши, лекин сен шанба деб юрмагин, хўпми?

— Хўп, эртага ўғлим ўқишдан келсин, жума кун ишдан чиқиб бораман. Опамнинг овозлари... галати эди, йиғи аралаш, жуда маъюс. Наҳотки дадамнинг аҳволлари оғир бўлса... Йўғ-е. Икки кун бўлди-ку борганимга. Яхши эдилар. Анча гаплашиб ўтирдик. Тўғри, аммо кун давомида туз тотмадилар. Томоғимдан ўтмайди, дедилар. Опам анчадан буён келолмагани, ўзлари шунчаки мени боришимни истасан бўлсалар керак. Ёки... тонгда кетсаммикан?

Гавҳар хаёллар оғушида яна ўрнига чўзилди.

«Машина тор кўчага бурилиши билан йўлдан тўда-тўда одамлар ўта бошлади. Кўчанинг нариги бошидаги отасининг уйи шундай кўриниб турарди. Катта дарвоза ланг очилган. Темир қанотга суюниб катта акаси турибди. Бошида дўппи, тўн кийиб белини боғлаган. Шунда ичкаридан мархума аммаси дадасини етаклаб чиқди. Опа-ука дарвозанинг олдида бироз туришди-да, аммаси қўлини пешонасига соябон қилиб Гавҳар бораётган томонга қаради-ю, бироқ тескарига ўгирилиб кета бошлади. Дадаси ҳам аммасига эргашди.

— Анави киши акамми? Акам тўн кийганми? Аммам нега дала томонга кетаяптилар? — Гавҳар ҳайдовчини саволларга кўмиб ташлади. Ҳайдовчи миқ этмайдди.

— Нега машинани тўхтатдингиз, ҳайданг, тезроқ ҳайданг. Аммам билан дадам кетиб қолишди-ку, ахир. Менинг кўзларим кўрмай қолаяпти, қаранг, ўзи одамлар бизнинг уйимиз ёнидами?

Ҳайдовчи сигнал чалди. Сигнал овозидан Гавҳар сесканиб кетди.

«Уф... яна босинқирабман», — ўйлади аёл пешонасидаги терни артиб. Шунда ёнгинасида телефон овози жиринглаб, юраги ҳаприқиб кетди. Шошиб-пишиб телефонни кўлига олди.

— Аяжон, ассалому алайкум.

Туш ва рост дунёнинг

орасидаги қарахт Гавҳар худди гуноҳ иш устида кўлга тушгандай талмовсиради. Юраги ҳали ҳам темирчининг босқонидек

гупиллар, вужуди қизир, тили танглайига ёпишган, базўр алик олди.

— Ва-алайкум.

— Султон дўстим бугун келаётган эканми? Соат неччида кутишга чиқай?

— Ҳа, Аҳрор болам, Султонбек ўртоғингни самолёти Тошкентга соат 16 да келади.

— Аяжон-ей, овозингиздан ўртоғимни жуда соғинганингиз билиниб турибди. Ё, тобингиз йўқми?...

— Яхшиман, болам, раҳмат.

Телефоннинг қизил тугмачасини босгач, тонголди кўрган тушини ўзича таъбирлади.

«Дарвоза очиқ — бу яхшилик аломати. Мархум аммаси-чи? Нега дадаси аммасининг орқасидан кетди? Бирон нохушлиқдан даракмикан? Йўғ-е, ўлик кўрсанг, тирик билан дийдорлашасан, дейдилар-ку. Болажонимнинг дийдорига ишорадир».

Аёлнинг бир хаёли ҳоюхайт деб Гулистонга, дадасининг ёнига кетай деса, яна бири боласининг бўйлари истайди. Кичкинагина вужудда фарзандлик қарзи билан оналик фарзи қурашарди. Бирда у, бирда бу голиб келар. Бу жанг муштдеккина юракни зириллатиб, ақли қажшатарди. Бежизга «Иккиланиш икки ўлиш билан баробар» дейишмаскан. Охир оқибат оналик меҳри устун келди. Гавҳар мингичи марта такрорлади «Ўғлимни бир бағримга босай, кейин отамни кўргани бораман».

Она мусофир юртда билимини мутаҳкамлаб келаётган болажонининг ташрифига тадорикни бошлади.

Жикоя

— Гавҳар, қаердасиз?

Почасининг аввал энтиқиб олган нафаси, кейин овози эшитилди.

— Чирчиқда, уйда, — деди аёл саломаликни унутиб.

— Э-э, ҳалиям уйдаемисиз, Ҳожи бобони бериб қўйдик-ку!...

Олам зулумот қаърига чўмди. Жисму жони юмалоқ тош каби пастга юмалаб кетди. Қулоқлари том битди. Э л а с - э л а с «дуд-дуд» деган сас эшитилди. Кўзлари ёшдан ачишди.

Дийдор

Худди тушидаги каби кўрмай қолди. Каттагина соққа келиб бўғзига тикилди. Тириклик дунёсидан узилди, гўё. «Нега, нега», — дейди фарзанднинг меҳрга ташна юраги, ахир икки кун олдин, яхши эдилар-ку! Икки дунё оралиғи наҳот бир қадам? Наҳот ўлим қузғуни шу бегуноҳ, меҳнатдан боши чиқмаган, миннат нима билмаган, беозор, дардмандгина одамга кўз тиккан бўлса?

— Гавҳар, Гавҳар, — эрининг овози қирдан наридан эшитилгандек бўлди. — Ўзингни кўлга ол. Бандачилик. Кўнмай иложимиз йўқ, — эри аёлнинг ваража тутган вуждини кучоқлади. — Бўл, тайёргарчилигингни кўр, ҳаялламай, етиб бориш керак.

Ғизиллаб кетаётган машина ойнасидан кўз ёшлари юзини юваётган аёл маъюс термулади. Йўлнинг икки четиде кўр тўкиб турадиган, доим Гавҳарга қувонч бағишлайдиган, жуда-жуда ёқадиган мағрур, пурвиқор дарахлар мунгайиб қолгандай. Жазираманинг зўридан барглари сўлғин, ғубор. Одамлар ҳам аллақандай ҳорғин. Дунё хира тортгандек. Йўл бирам олис, бирам ёқимсиз. Машина кум барханлари устидан қийналиб судралаётган махлуққа ўхшайди.

Бир неча дақиқа олдин ёп-ёруғ бўлиб жилваланган олам булутлар қаърига яширинди, тароватини йўқотди. «Отажон, отажоним-а, дийдорингиз маъшарга қолди-ми?»

— Гавҳар, Гавҳаржон, сенга тез кел дедим-ку, сингилжон, — опасининг овозидан еру кўк ларзага келди. — Кел, жоним сингил, дадажонимни совуқ дийдорларини бўлсаям кўриб қол. Бу ҳам ганимат.

Гавҳар отилиб дадасининг хонасига кирди. Ўша, қадрдон уй. Уй тўрида ёғоч

кароват. Кароватда дадажониси: (Фақат илгаригидек, «Қайсинг келдинг», дея бошларини кўтармайдилар.) оппоқ соқолли юзи пахтадек, бироз кенг пешонасида марказдан четга тортилган ажинлар, йиллар қошкиприқларига у қадар тасир ўтказолмаган, сийраклашганини айтмаганда, улар ҳалиям қоп-қора. Қалдирғочнинг нафис қаноти каби мошгуруч мўйловлари остидаги доим ним табасум билан сўзлайдиган лаблари қаттиқ қимтилган, қора киприк тўсиб турган кўзлари юмилган... бу дунёдан кўнгли тўлиб, осойишта ором олаяпти.

Гавҳар дадажонисига озор етказишдан қўриқиб секин ўтирди-да, оёқларига бош қўйди. «Ўша чиққан оёғимни салгина уқалаб қўй», падарининг овози эшитилгандек бўлди. Аёл беихтиёр юлдузлар сочилган тўқ кўк осмон тўсли ёпингични кўтариб, дадажонисининг чап оёғини силади. Муздай... Саратонда, иссиқ ёпингич остидаги оёқлар яхлаб қолганди. Қалтираган бармоқлари совуқ оёқларни силади. Тик узатилган тиззалар мармардай. Силкиниб-силкитиб титраётган елкани забардаст қўллар тутди.

— Аяжон...

Она юраги жигаргўшасининг тафтини сезди. Лекин боласини бағрига босмади. Бошини кўтармасдан мингирлади:

— Жоним болам, мен қандай фарзанд бўлдим, вақтида келолмадим... Тонгда йўлга чиқсам бўларди-ку... Менинг дардга полвоним ҳали узоқ яшайдилар, дебман... Тушимга ҳам ишонмабман...

— Аяжон... — Султон онасининг елкасидан авайлабгина тутди. Секингина ўтирган жойидан турғизди. У эгнида... этаги ер супирган узун кўк кўйлак, бошида бир томонга оғиб қолган кўк рўмол, юзлари кўмирдай қорайиб кетган онасини қаттиқ кучоқлади.

Заифанинг вужудида саратон чилласи билан қаҳратон чилласи тўқнаш келди. Гоҳ отасининг совуқ юзини сийпалаб, гоҳ боласининг қайноқ кўксига бош қўйиб йиғлади. Ўқсиб-ўқсиб, эзилб-эзилиб фарёд чекди.

Осмонранг духобага ўралган тобут кенг кўчада лопиллаб боради. Унга елка тутган, қўл узатган сон мингта. Катта қўчанинг у бошидан бу бошигача одам лиқ тўла. Тобутни мазористонга олиб бориши керак бўлган машина тирбанд одамларни ёриб ўтолмайди, тобутга етолмайди.

— Ҳожи бобо жуда табаррук. У кишининг ёшига, мартабасига, ҳурматига етиш бизларга ҳам насиб қилсин...

— Тўқсон уч деб давра қилишдими?

— Ҳа аёлидан кейин салкам қирқ йил ёлғиз яшадилар-да. Ўнта боламини ўғайга бермайдик, деб.

— Болаларим дегани, садоқат дегани шу-да.

Гавҳар ёш тўла кўзини ердан олди. Лопиллаб бораётган тобутда боқий дунёга равона бўлган дадажониси онасининг Маъшардаги дийдорига очиқ юз билан ошиқиб кетаётгандек туюлди.

Аеярли ҳар бир ҳовлида ўсувчи петрушкани кўпчилик хуштаъм ва фойдали зирвор сифатида билади. Петрушканинг барги, илдизи, уруғи халқ табобатида қадрланади. Абу Али ибн Сино петрушка ҳақида шундай ёзган: «Энг кучлилари тоғларда ўсадиган хилидир. Ел ва кўпчишни тарқатувчи, тикилмаларни очувчи, терлатувчи, оғриқни тўхтатувчидир. Шиллиқли ўсмаларнинг бошланишида уларни шимилтиради; қаттиқ ва иссиқ шишларни шимитади. Йўталга, жигар ва талоқ учун фойдали. Шимитувчанлиги сабабли кекирикни кўзгатади. Петрушканинг уруғи қовурилмаган бўлса, кўнгилни айнитади ва қустиради. Тоғ петрушкеси тошни майдалайди». Петрушка таркибида аскорбин кислота-си, эфир мойи, минерал тузлар бор. Илдизи, уруғи, баргида В, ва В₂, РР, А витаминлари, фолий кислота бор. Витаминларга бойлиги жиҳатидан сабзидан кейин иккинчи ўринда туради. Таркибида яна карбон сувлар, пектин, қанд, темир, магний, фосфор ва кальций моддалари мавжуд. Ана шу моддалар туфайли петрушка бир талай хасталикларни даволашда қўлланилади. У иштахани очади, таом ҳазмини яхшилайдди. Халқ табобатида қуйидагилар тавсия этилади:

— Пешоб йўллари тизими шамоллаганда ва қон томирларини мустаҳкамлашда петрушка ва сабзи шарбати аралашмаси (1:3 нисбатиде) яхши самара беради. Бунда бир қошиқдан нонушта ва тушлиқда 2 маҳал ичилади.

— Камқонликда кунига петрушка билан қора нонни ейиш керак. Шу билан бирга, узум шарбатини кўшиб ичиш тавсия этилади.

— Буйрак фаолиятини яхшилашда, цистит бўлганда петрушка барги дамламаси фойда қилади. Бунинг учун 8 дона янги узиб олинган, майдаланган барг 2 стакан қайноқ сувда дамланади. 15 дақиқагача қўйиб, идиш қопқоғи ёпилади. Сўнг докадаи сузиб, 3 қошиқдан 4 маҳал ичилади.

— Жигар хасталигига мубтало бўлганда 800 гр. ўсимликнинг кўк қисми майдаланади. Сирли идишга солинади ва устига сут қўйилади. Паст оловда миқдори 2 марта камайгунча қайнатилади. Тайёр бўлгач, совутилади, бир қошиқдан кунига 7-8 марта ичилади.

— Кўриш қобилиятини яхшилашда бир қошиқ петрушка кўкатиға 200 мл. қайноқ сув қўйилади. Паст оловда 30 дақиқа қайнатилади. Совутилади, сузилади. Кейин ҳар куни 2 қошиқдан 3 маҳал таомдан олдин истеъмол қилинади.

— Лат еган жойга барглари майдаланиб, бозиллатма қилинса, оғриқ босилади, кўкарган жойлар йўқолишига эм бўлади.

— Газанда чаққан жойга петрушка барглари обдан эзиб, суви суртилса, тез орада захрини олади.

— Буйрак тоши касаллигида петрушка илдизпоя дамламаси ва барги наф беради. Бунинг учун 400 мл. қайноқ сувга бир қошиқ куритилган, майдаланган илдизи солинади. 2 соат мобайнида дамланади ва сузилади. Дамламадан кунига уч стакандан 3 маҳал ичилади.

— Простатит ва оденомага чалинган кишиларга петрушка илдизининг янги сиқиб олинган шираси яхши наф беради. Ундан 2 қошиқдан 3 маҳал 20 кун ичилади. Сўнг 10 кун танафус қилинади ва муолажа такрорланади.

— Ошқозон-ичак хасталиги ва қорин дам бўлганда петрушканинг 20 грамм уруғига 200 мл. совуқ сув қўйилади. 30 дақиқа паст оловда қайнатилади. Кейин ҳар куни бир қошиқдан 3 марта таомдан олдин ичилади. Пировардидда, бу қайнатма ош-

қозон ости беши фаолиятини яхшилаб, кислород билан таъминлайди, қон айланиш фаолиятини уйғунлаштиради.

— Юрак касалланганда петрушка илдизи билан қайнатилиб, кунига 3-4 маҳал 1/3 стакандан ичилади.

— Қизамиқда 1 чой қошиқ янги ёки куритилган петрушка илдизи устига 1 стакан қайноқ сув қўйилади. 6-8 соат турганидан сўнг кунига овқатдан олдин 3-4 маҳал 1 чой қошиқдан истеъмол қилинади. — Алкоголизмни даволашда 30 гр. петрушка уруғини ва 50 гр. карамнинг майдаланган баргини олиб, устига 1 литр қайнаган сув қўямиз. 15 дақиқа термосга солиб, тиндирилади. Кунига 1 стакандан 3 маҳал, овқатдан ярим соат олдин ичилади.

— Сурункали панкреатитда 500 гр. петрушка яхшилаб ювилиб, кастрюлкага солинади ва устидан ботар-ботмас ҳолатда сут қўйилади. Кастрюлкани иссиқ печкага қўйиб, қайнаш даражасига олиб борилади, лекин қайнатилмайди. Тингач, ҳар соатда 2 ош қошиқдан ичилади. Тайёрланган дорини кун давомида ичиб тугатиш керак. Агар петрушка уруғини мол ёғи билан аралаштириб, 4-5 кун давомида ейилса, жинсий қувватни оширади. Агар чумчуқ ёки қовурилган товук гўшти билан истеъмол қилинса, янада кўпроқ фойда беради.

— Острохондрозда петрушка илдизини кунига 2-3 марта чайнаш ёки кунига 1 ош қошиқ петрушка дамламасидан 2 маҳал ичиш керак. Дамлама қуйидагича тайёрланади: 2 чой қошиқ куритилган петрушка илдизи 400 мл. сувда 1 соат давомида қайнатилади.

Петрушка уруғидан қилинган дамлама ҳам острохондроз билан касалланганда яхши наф беради. У қуйидагича тайёрланади: 3-4 чой қошиқ петрушка уруғини 300 мл. қайнаган сувга солиб, 10 дақиқа давомида, паст оловда қайнатилади. Кунига 1 қошиқдан 3 маҳал ичиш керак. Петрушка дамламаси билан 6-8 ой давомида даволаниш яхши натижа беради.

— Артритда сабзи шарбати, сельдер ва петрушка 4:2:1 миқдорида аралаштирилади. Кунига 3 маҳал, овқатдан олдин ярим стакандан ичилади. Сабзи шарбати, сельдер, петрушка ва шпинат билан 4:2:1:2 миқдорида аралаштирилади. Кунига 3 маҳал ов-

петрушка барглариға 600 мл. сув солиниб, 10 дақиқа паст оловда қайнатилади. Мунтазам равишда сув ўрнига ичилади.

Яна бир муолажа шуки, петрушкани ҳар қандай кўринишда, кунига бир неча марта истеъмол қилиш мумкин. Асосан илдизи ва ер усти қисмидан фойдаланилади. Кундалик сув ўрнига петрушка дамламасидан фойдаланиш лозим. 1 чой қошиқ туйилган петрушка уруғи устига 2 стакан қайнатиб сову-

— Ёғли сочлар учун 20 грамм петрушка барги устига 1 стакан ароқ қўйилиб, 2 ҳафта сақлаб қўйилади. Сузиб олинган аралашма ҳафтада 2-3 маҳал сочларга сурилади.

— Қазғоқни йўқотишда 1 чой қошиқ янчилган петрушка уруғи устига 1 чой қошиқ спирт ва чой қошиқ кастор ёғи қўшилади. Сочнинг фарқидан бошлаб ҳар куни бош терисига сурилади. Муолажа 15 марта бажарилади.

ОЛТИНГА ТЕНГ

ПЕТРУШКА

қатдан олдин ярим стакандан ичилади.

Куритилган петрушка ва унинг илдизидан 1 чой қошиқдан олиниб устига 0,5 литр қайноқ сув қўйилиб, 9 соат тиндириб қўйилади. Бўгинлар оғриганда бу аралашма овқатдан олдин кунига 2-3 ош қошиқдан 3 кун давомида ичилади.

— Семирганда ҳар куни 1 стакандан петрушка қайнатмасидан ичиб туриш керак. Петрушка, қора андиз (девясил), далачай (зверобой) ўсимликларидан 1 стакандан олиб, аралашма тайёрланади. Ундан 2 қошиқдан олиб, устига 300 мл. қайнаган сув солиб, 10 дақиқа паст оловда қайнатиш керак. Бир соат тиндириб, ярим стакандан, кунига 2-3 маҳал, муз парчаси солинган ёки совутилган ҳолда ичиш керак.

— Қовоқлар қизариб, осилганда петрушка барглари майдалаб кесиб, докадан тайёрланган халтачага солинади, бир неча дақиқа қайноқ сувга тикиб қўйилади. Ичидаги суюқлиги оқиб чиқиб кетган илиқ халтачаларни 3 дақиқа кўз устига қўйилади. Сўнг олиб ташлаб, совуқ сувга ботирилган пахта қўйилади. Бундай компресс кўз уйқусизликдан қизарганда ҳам катта ёрдам беради.

— Қовоқлар шишганда бир боғ петрушка майдалаб кесилиб, устига 1 литр қайноқ сув қўйилади. 1-3 соат турганидан сўнг сузиб олиниб қовоқларга компресс қилинади. Кўз устига майдалаб кесилган петрушка илдизи бўтқаси қўйилади. 20 дақиқадан сўнг илиқ сув билан ювилади. Петрушканинг майдаланган барглари юмук ҳолдаги кўзлар устига қўйиб, устидан дока билан ёпилади. 15 дақиқадан сўнг совуқ сув билан ювилади. 1 чой қошиқ янги узилган петрушкани эзиб, устига 2 чой қошиқ сметана қўйилади. Бу аралашма қовоқ устида 20 дақиқа тургач, совуқ сув билан ювилади.

Майдалаб эзилган петрушка илдизи қовоқлар устига қўйилгач, 15-20 дақиқадан сўнг илиқ сув билан ювиб ташланади.

— Ҳайз кўриш бузилганда

тилган сув қўйилади. 8-10 соат тиндириб қўйиб сузиб олинади. Кунига 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилади.

— Оғиздан ҳид келганда барра петрушка илдизини чайнаш керак.

— Сутни кўпайтириш учун 15 грамм туйилган петрушка уруғи устига 1 стакан қайноқ сув қўйилиб, иссиқ ҳолида сузиб олинади. Кунига 4-5 маҳал, 50 гр. ичилади.

— Тошмада 2 ош қошиқ майдаланган петрушка устига 0,5 литр қайноқ сув қўйилиб, тиндириб, сузиб олинади. Касал болага кунига уч маҳал 1 чой қошиқдан берилади.

— Петрушка энг кучли пешоб ҳайдовчи ҳисобланади. У циститда, уретритда, жигар ва юрак хасталиклариде қўлланилади. 1 чой қошиқ майдаланган петрушка баргини 500 мл. совуқ сувга солиб, тун бўйи иссиқ жойда сақланади. 3 ош қошиқдан ҳар 2 соатда ичиш керак. 80-100 гр. петрушка яхшилаб ювилиб, кастрюлкага солинади ва устидан ботар-ботмас ҳолатда сут қўйилади. Кастрюлка иссиқ печкага қўйилиб, қайнаш даражасига олиб борилади, лекин қайнатилмайди. Тингач, ҳар соатда 2 ош қошиқдан ичилади. Тайёрланган дорини кун давомида ичиб тугатиш керак.

— Соч тўқилганда петрушка шарбатини бош терисига суриш. Бош терисига туйилган петрушка уруғини ишқаланг. 30 дақиқадан сўнг илиқ сув билан ювиб ташланг. 1 чой қошиқдан туйилган петрушка уруғи, спирт ва 2 чой қошиқдан кастор ёғини аралаштиринг. Сўнг кунора бош терисига суриш. Муолажани 15 кун давом эттиринг.

— Ювилган соч петрушка дамламаси билан чайилса, ярақлайди.

— Бир боғ петрушка майдаланиб устига 1 стакан сув қўйилади. Қайнаб чиққач, сузиб олинади. Илиқ бўтқа докага солиниб 30 дақиқа давомида юзга қўйилади. Сўнг юз пахта билан артилади (ювилмайди). Бу никоб ҳафтада 3 марта такрорланади. Петрушка қайнаган сув билан ҳар куни юз териси артилади.

— Юздаги ҳуснбузарни кетказиш учун барра петрушканинг суви олиниб, 20-25 кун давомида, кунига 2 мартадан юзга суриш керак. Петрушка, айниқса, аёллар пардозини учун жуда фойдалидир. Юз терисини оқартириш, тери рангини яхшилаш учун ҳар куни эрталаб ва кечқурун 2 ош қошиқ петрушка сувини ичиш ҳамда витаминли никоб қилиш керак. Петрушка суви қуйидагича тайёрланади: 2 ош қошиқ майдаланган петрушкага 0,5 л. қайнаган сув қўйиб, 2 соат тиндирилади. Тайёрланган ушбу суюқликни бир кунда 3-4 марта ичиш керак. Бу қорин дам бўлганда ҳам яхши фойда беради. Шунинг ёдда тутиш керак-ки, ҳомилдор аёлларга петрушка ширасини ичиш тавсия этилмайди. Яна буйрак хасталиклари (нефрит, ўткир цистит, шамоллаш)га дучор бўлган кишиларга, бош оғриғида петрушка ширасини ичиш ман қилинади.

Мирзамир
МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос

Мини-футбол



Ўзбекистон ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги вакиллик томонидан Соҳибқирон Амур Темур таваллудининг 675 йиллигига бағишлаб, Шахрисабз шаҳридаги Беруний номидаги болалар оромгоҳида мини футбол бўйича анъанавий мусобақа ташкил этилди.

Касаба уюшмасининг устувор вазифаларидан бири ходимлар саломатлигини таъминлашдир. Соғлиқнинг аъло даражада бўлишида эса спортга тенг келадигани йўқ, албатта. Шунинг ҳисобга олган ҳолда касаба уюшма фаоллари турли мусобақалар ўтказилиши, спорт иншоотлари қурилишига бош-қош бўлмоқда.

Мурасасиз баҳслар Ғолибларни аниқлади

Наманган шаҳридаги 2-тиббиёт коллежида ҳам касаба уюшмалари ташаббуси билан ташкил этилган йирик мусобақага старт берилди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг мини-футбол бўйича вилоят турнири эса «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ташкил этилди.

Туман, шаҳар ҳамда вилоят ташкилотларида ўтказилган биринчи

босқичда ўн тўрт жамоа саралаб олинган эди.



— Дарҳақиқат, баҳслар жуда қизиқарли кечди, — дейди Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмаси шарафини ҳимоя қилган жамоа сардори Алишер Жалолов. — Бу нафақат ўйинчиларнинг ғалабага интилиши билан боғлиқ, балки ташкилотчиларнинг мусобақага пухта тайёргарлиги самараси ҳамдир. Ўзим шаҳар 2-поликлиникаси касаба уюшма раисман. Айтишим лозимки, жамоада оммавий равишда спорт билан шуғулланиш йўлга қўйилган. Ўттизта муассаса ичидан айнан бизнинг поликлиника жамоаси шаҳар тиббиёт бирлашмаси номини ҳимоя қилишга эришганлигининг сабаби ҳам шунда.

Мусобақа якунида Косонсой туман тиббиёт бирлашмаси жамоаси 1-, Тўрақўрғон ТТБ 2-, Мингбулоқ ТТБ жамоаси эса 3-ўринни қўлга киритди. Ғолиб ва иштирокчиларга диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири.
Абдуносир ҚЎЧҚОРОВ
олган сурат

Кубок Талимаржонга кетди

Икки кун давом этган турнирда ғолиблик «Талимаржон иссиқлик электр станцияси» унитар корхонаси футболчиларига насиб этди.

«Жанубгазтаъминот» унитар корхонаси жамоаси иккинчи ва «Шўртаннефтвер» унитар корхонаси футболчилари учинчи ўриндан жой олди. «Қашқадарё технологик-транспорт» очик ҳиссадорлик жамияти ҳамда Шўртангазимё мажмуаси жамоалари ўйини ҳам томошабинларга манзур бўлди.

— Энди тармоқ ишчиларини давлатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб ёшлар ўртасида ўтадиган республика спартакиадаси ҳамда «Отам, онам ва мен — спорт-севар соғлом оила» шиори остида ташкил этиладиган анъанавий мусобақа кутмоқда, — деди биз билан суҳбатда тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги вакили ўринбосари Акбар Юсупов.

Ғолибларга медаллар, кубок ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири.
Шавкат СУЛТОНОВ олган сурат

Касаба уюшма спорти

Гулистон шаҳридаги марказий ўйингоҳда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси соврини учун спортнинг стол тенниси, шахмат ва шашка турлари бўйича мусобақа бўлиб ўтди.

Рағбатлантириш

Стол тенниси бўйича ўтган беллашувларда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вакилларининг устуниги сезилиб турди. Аёллар ўртасидаги мусобақаларда Моҳира Рўзиматова шохсупанинг тўридан жой олган бўлса, эркаклар ўртасида Мухтор Саидқуловга тенг келадигани топилмади.

Шашка бўйича соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вакили Фотима Соатова бош соврин соҳибига айланди. Эркаклар ўртасидаги мусобақаларда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вакили Тўлқин Тишлиқов ғалаба қозонди.



Шахмат бўйича ўтказилган баҳсларда ҳам таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вакиллари Севара Умарова, Мансур Сангиролларга омад қилиб боқди.

Ғолиблар эсдалик совға ва дипломлар билан тақдирландилар.

Анорбой НОРҚУЛОВ

Газчилар беллашуви

«Бухоро» спорт мажмуасида «Фарбгазтаъминот» УКси ходимлари ўртасида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишлаб шахмат, шашка, стол тенниси ва оилавий мусобақалар бўйича спартакиада ўтказилди.

Мусобақаларда Бухоро ва Навоий вилоятларида газ соҳасида меҳнат қилаётган 186 нафар ишчи-хизматчи беллашди.

Спортнинг шахмат тури бўйича аёллар ўртасида «Олотгаз» филиали ходими Махфират Қаҳҳорова ғолиб чиққан бўлса, «Когонгаз» корхонаси ходими Нилуфар Каримова иккинчи, «Бухорошаҳаргаз» корхонаси назоратчиси Сайёра Фаттоева учинчи ўрин соҳибаси бўлди. Эркаклар ўртасида «Нуротагаз» ходими Раҳмон Ҳасанов 1-, олотлик Убайдулло Қаҳҳоров 2-, когонлик Ботир Очилов 3- ўринни эгаллади.

Шашка бўйича ўтган баҳсларда «Бухоротумангаз» вакили Собир Холиқов ва ғиждувонлик Наргиза Абдуллаева биринчи ўринга сазовор бўлдилар.

Стол тенниси бўйича беллашувлар ҳам кескин курашлар остида ўтиб, ғолиблик «Ғиждувонгаз» ходимлари Ўлмасой Давронова ва

Миршод Исмоиловага насиб этди.

Спартакиада дастуридан ўрин олган «Отам, онам ва мен» мусобақасида саккиз оила вакиллари иштирок этиб, қоровулбозорлик Осилловлар оиласи ғолиблик нашидасини сурди. Иккинчи ва учинчи ўринларни «Навбахоротумангаз» ва «Навоийшаҳаргаз» филиалдан Шодиев ва Мирзаевлар оиласи қўлга киритди.

Умумжамоа ҳисобида ғолибликни «Бухорошаҳаргаз» филиали, иккинчи ўринни «Ғиждувонгаз» филиали, учинчи ўринни «Конимехгаз» ва «Когоншаҳаргаз» филиаллари жамоалари эгаллашди.

Ғолиб ва совриндорлар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Самия МАҲМУДОВА,
«Фарбгазтаъминот» унитар
корхонаси касаба уюшма
қўмитаси раиси

Ходимлар манфаатини ҳимоялашда ҳамфикрликка нима етсин. «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ маъмурияти ҳамда бошланғич касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлиги яхши самара беряпти.

Касаба уюшмаси идорада спортнинг баъзи турлари билан шуғулланишга имкон яратиш ташаббуси билан чиқди. Маъмурият бу таклифни қўллаб-қувватлади. Натижада, бир парча ҳовлига волейбол тўри

Ҳамкорлик меваси

тортилди. Етарлича копток сотиб олинди. Ходимлар тушлик ва ишдан кейинги вақтларидан чегириб бўлсада ўз саломатликларини тиклаш имкониятига эга бўлдилар. Бундан ташқари, айвончага ихчам стол тенниси ўрнатилди. Бу спорт тури билан аёллар кўпроқ шуғулланишмоқда. Ақлни пешловчи шахмат-шашка ҳам назардан қолмади.

Натижада, шу йилнинг 17-25 март кунлари банк ходимлари ўртасида стол тенниси, шахмат-шашка бўйича жамоа биринчилиги мусобақалари ташкил этилди. Беллашувларда жамоада меҳнат қилаётган 61 нафар ходимнинг барчаси иштирок этди.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

«Осиё чемпионлар лигаси — 2011»

Тошкентда «Пахтакор» ва Эроннинг «Истиклол» жамоалари ўртасида Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ босқичининг 4-тур учрашуви бўлиб ўтди.



Ишимиз юришяпти

29-дақиқада Станислав Андреевнинг йўллаган биринчи зарбаси рақиб ҳимоячисига тегиб қайтди ва... тўпни ерга туширмай берилган такрорий зарба дарвоза устунига тегиб, голга айланди.

Иккинчи бўлимнинг сўнги дақиқаларида «шерлар» дарвозаларидан гол ўтказиб юборишди. Чап қанот бўйлаб уюштирилган ҳужум чоғида тўп Араш Бурхонийнинг қорнига тегиб, дарвоза тўрига бориб тушди.

Ғалаба келтирувчи голга 88-дақиқада Егор Кримец муаллифлик қилди.

«Пахтакор» Осиё Чемпионлар лигасидаги илк ғалабани қўлга киритди ва кейинги босқичга чиқиш имкониятини сақлаб қолди.

Кеча яна бир вакилимиз «Бунёдкор» сафарда Эроннинг «Пирози» жамоасига қарши майдонга тушди. Уйининг 60-дақиқасида Анвар Ражабовнинг узокдан йўллаган аниқ ва кучли зарбасига эронлик посбон қаршилиқ кўрсатолмади — 0:1. 10 дақиқа ўтгач футболчимизни жарима майдонида чалиб йиқитган Алиризо Муҳаммад қизил карточка билан «сийланди» ҳамда мезбонлар дарвозаси томон пеналти белгиланди. Хайрулла Каримов зарбани аниқ амалга оширди — 0:2. Уйин охирида бораётган бир паллада Анвар Фафуровнинг ҳаддан ортиқ хотиржамлигини рақибларимиз муносиб жазолашди — 1:2. Ҳакам томонидан қўшиб берилган дақиқаларда эса жамоамиз сардори Виктор Корпенко ҳисобни 1:3 кўринишига келтирди. «Бунёдкор» ўз гуруҳида 5 очко тўплаган ҳолда 2-ўринда бормоқда.

А. АРСЛОНОВ

Мажбурий чора

Япония ҳукумати сотув амалиётлари солигини ошириш масаласини кўриб чиқмоқда. Бу 11 март куни содир бўлган табиий офатдан кейин мамлакатни тиклашни тезлаштириш мақсадида кўрилатган чоралардан биридир.

Тахминларга кўра, мамлакат ҳукумати навбатдаги молия йилидан бошлаб (2012 йил апрел ойидан бошланади) сотув амалиётлари солигини уч фоиздан саккиз фоизгача оширади. Бу 1997 йилдан буён илк марта мамлакатда сотув амалиётлари солигининг ошиши бўлади.

Март ойи охирида ўтказилган ҳисоб-китобларга қараганда, мамлакатга та-

биий офат келтирган зарар тахминан 16-25 триллион иен (198-309 миллиард АҚШ доллари) деб баҳоланмоқда. Шу туфайли, Япония бюджетининг шу йилги харажатлари рекорд даражада — 1,1 триллион долларни ташкил этади. Шунингдек, мамлакат ҳукумати аввалдан мўлжалланган корпорациялар тўлайдиган солиқ миқдорини камайтириш тўғрисидаги қарор ҳам кейинга қолдирилди.

11 март куни содир бўлган ер силкиниши Япония тарихидаги энг кучли зилзила бўлди. Табиий офат оқибатида 270 минг киши бошпанасиз қолди, 27 минг киши эса қурбон бўлди. Мамлакат ҳукумати томони-



дан эълон қилинган табиий офатдан кўрилган зарар миқдори ЯМД ва ишлаб чиқариш, савдо ҳажмининг пасайиши каби омилларни ўз ичига олмади. Шу сабабдан, Япония иқтисодиётининг тикланишига сарфланадиган маблағ айтиб ўтилган 309 млрд. доллардан ҳам ошиши мумкин.

Археологлар қадимда физолларнинг қирилиб кетиши сабабини аниқлашди. Маълум бўлишича, жониворлар қадимги одамлар томонидан қириб ташланган. Шуниси қизиқки, XIX-XX асрларда Яқин Шарқда физолларнинг бутунлай қирилиб кетишига олиб келган ов усули қадимги одамлар томонидан ҳам қўлланган экан.

Физолларни одамлар қиришганмиди?


Бу тахмин яқин вақтларгача исботланмаган ва жумбоқлигича қолиб келди. Маълум бўлишича, қадимги одамлар ҳам тошдан катта масофага чўзилган кўралар ясаб, ҳайвонларни шу кўраларга ҳайдаб келиб қамашган ва қириб ташлашган.

Унлаб километргача чўзилган бундай ғалати кўралар аввал ҳам топилган, аммо олимлар уларнинг нима мақсадда қўлланганини аниқлай олишмаган эди. Яқинда ўтказилган тадқиқотда эса мутахассислар Суриянинг шимоли-шарқидан топилган физол суяқларини таҳлил қилишди. Натижага кўра, бу суяқлар турли ёшдаги — эндигина туғилганидан бошлаб вояга етган физолларгача тегишли бўлган. Бундан ташқари, суяқлар топилган жой яқинидан тош кўралар ва тошга ўйиб чизилган, ов жараёнини тасвирловчи суратлар ҳам топилган.

Шундан келиб чиқиб, олимлар 5,5-5,1 минг йил аввал шу жойларда одамлар оммавий физол овини уюштиришган, деган хулосага келишди. Бундай машъум ов оқибатида жониворларнинг сони кескин камайиб, кўп ҳолларда эса бутун бошли турлар йўқолиб кетган.

Айтиш мумкинки, бундай ов муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган. Чунки унда бир неча катта гуруҳдан иборат овчиларнинг марказлашган ҳолда ҳаракатланиши талаб қилинган. Бу эса қабилаларни юзага келтирган.

Топилган суяқларнинг ёшига қараганда, ов ўтказилган вақт одамлар томонидан ҳайвонларни хонакилаштириш бошланган даврга тўғри келади.




Литванинг Паневежис шаҳрида қизиқ ҳодиса юз берди: мушук маҳаллий қамоқхонага ичига мобил телефони солинган макарон халтасини олиб кирди. Лекин, энг қизиғи, бу ғалати курьер маҳбусни «кўришга» келганида, полиция ходими пайқаб қолганидир.

«Почтачи» мушук

Мушук қамоқхонага кечаси кириб келган. Кузатув камераси узатаётган тасвир маҳбусларни кўриқлаш бўлими ходимига шубҳали туюлган. Хабарларда ёзилишича, одатда полициячилар қамоқхона ҳовлисида юрган ҳайвонларга авваллари айтирили эътибор беришмас эди. Аммо мушукнинг ғалати ҳаракатлари кўриқчининг диққатини тортган.

Ҳикоя қилинишича, қамоқхона ҳовлисида пайдо бўлган мушук тўппа-тўғри камералардан бирига яқинлашган ва унинг туйнуғи тагида тўхтаган. Маҳбус эса, мушукни кўргач, қувурча қилиб ўралган газетани мушук томонга чўзган.

Аммо «почтачи» халтачани эгасига етказишга улгурмади. Унинг ҳаракатларини кузатиб турган кўриқчи мушукни олиб кетди. Халтача қандай қилиб мушук танасига маҳкамлангани эса маълум қилинмади. Жониворнинг кейинги тақдири номаълум.



Вертолёт ҳалокатга учради



Сешанба куни Ҳиндистон шимолида Ми-17 йўловчи вертолети ҳалокатга учради. Маҳаллий ҳокимият вакилларининг хабар қилишича, олти киши тирик қолган, 17 киши эса ҳалок бўлган. Аввалроқ маҳаллий ОАВда 20 киши ҳалок бўлиб, уч киши жароҳатлангани ҳақида хабарлар тарқатилган эди.

Ажабтовур дил изҳори

АҚШнинг Виржиния штатидаги Александрия шаҳри фуқароси махсус буюртма билан тузилган кроссворд билан «The Washington Post» газетаси воситасида севгилсининг қўлини сўради.

28 ёшли Кори Ньоман исмли бу йигит севгилсини Марлоу Эпштейннинг қўлини қизиқарли ва унутилмас шаклда сўрашга аҳд қилган эди. Қизнинг кроссворд ечишни яхши кўришини билгани учун, у газетанинг кроссворд тузувчи мутахассисига мурожаат қилишга қарор қилди. Ньоманнинг буюртмаси билан, газетанинг «никоҳ кроссворди» босилган сони куни кеча нашрдан чиқди.

Кроссворддаги яширин сўзлар ичида «Марлоу» (бу сўз «Ошиқ Шекспир» саволига жавоб бўлиб, у Елизавета даври таржимони, драматург ва шоири Кристофер Марлоу эди) сўзи, шунингдек, «Касабланка» филми сценарий муаллифи деган саволга жавоб тариқасида «Эпштейн» сўзлари



жой олган эди. Бу сўзларнинг пастида эса «Никоҳ узуги билан боғлиқ савол» деган сўровдан «Менга турмушга чиқасанми?» деган жумла келиб чиқар эди.

Эпштейн, ҳосил бўлган жумлалар ўзига берилган савол эканлигини англади. Кейинроқ Ньоманнинг никоҳ узуги билан келиши ҳам қизнинг тахминини тасдиқлади ва кроссвордсевар қиз таклифга розилигини билдирди.

Дил изҳори яширинган кроссворд муаллифи Боб Клан исмли киши бўлиб, унинг айтишича, 1998 йилда ҳам у бир ошиқнинг шундай буюртмасини бажарган.

Венгрия парламенти ҳозир ҳукумат тепасида бўлган ўнг-консерватив коалиция томонидан ишлаб чиқилган мамлакатнинг янги конституцияси лойиҳасини тасдиқлади. Аввалги конституция 1949 йилда қабул қилинган эди.

Янги ҳаёт сари қадам



2012 йилнинг 1 январидан кучга кирадиган янги конституцияни муҳолиф томон қарши кайфият билан қутиб олди. Маълум бўлишича, муҳолифатни нашриёт эркинлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тўғрисидаги бўлим қониқтирмаган.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Тошкент-Аэро» ИБКнинг 2011 йил 15 апрелдаги 04-17/10-451-сонли хатига асосан, «Тошкент-Аэро» ИБК тасарруфидаги Тошкент шаҳар, Тошкент халқаро аэропортида сақланаётган, «Газ-31029» русумли, давлат рақами 10 АО 051 бўлган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 1 735 533 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 23 май куни соат 10:00да бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2011 йил 23 майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ушбу автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 30 май ва 2 июн кунлари соат 10:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш

учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р 20210000300571452114. МФО: 01036, ИНН: 200933850.

Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1«А»-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабани уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси Марказий кенгашнинг Қашқадарё вилояти бўйича вакили

Олтибой ЭГАМБЕРДИЕВнинг

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Юнусобод тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатга олинган «AZARO LUX» масъулияти чекланган жамиятига берилган юмалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



Уни ҳамма танийди

Эхтиром

Уруш кўрган ва бир умр қосибчилик орқасидан рўзгор тебратган Мухторжон бобо 90 ёшни қаршиламоқда. Шунга қарамай ҳеч ҳам тиним билмайди. Ҳали маҳаллада ўтказилаётган тадбирда, ҳали 1-умумтаълим мактаби ўқувчилари курсовида, ҳали маҳалла ёшларига ўз маслаҳатларини бераётган ҳолатда учратасиз.

У ўзи яшаётган «Милтиқсоз» маҳал-

ласида эътиборга сазовор кишилардан. Барча тадбир ва маросимларда бош-қош. Шаҳар миқёсидаги Наврўз, Мустақиллик, Хотира ва қадрлаш куни ва бошқа тадбирларнинг орзули меҳмони.

Отахоннинг ўғли Абдусаттор 61 ёшда. Мухторжон ҳожи ота 7 неvara, 23 чеваранинг ардоғида.

— Маҳалламизда яшаётган 2000 га яқин аҳолининг 339 нафари уруш ва меҳнат фахрийларидир. Уларнинг иссиқ совуғидан доимо хабардор

бўлиб турибмиз, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қобилжон Мирзатощев.

Қариси бор уйнинг файз-таровати бор, деганлари шу бўлса керак. Тоza ва ораста ҳовлига кираверишдан димофингизга райҳон, ялпиз, жамбил ҳидлари урилади.

— Шу доруломон кунларни кўриш насиб этганига шукроналар келтирман, — дейди Мухторжон ҳожи ота.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

Марғилон шахри

Гилам тўқиш дастгоҳи ёнида чироқчилик тажрибали хунарманда Салтанат Қўлдошева билан барабар ишлаётган япон қизи Фумато Сано хонимнинг абжир ҳаракатлари, нозик бармоқларнинг гилам иглари создек чертаётганини кўриб, ҳайратга тушасиз. Чироқчиликлар эркалаб ўзбекчасига Фотимахон деб қаҳрайдиган соҳракат бу қиз Киото университетининг аспиранти. 2009 йили Тошкентга Ўзбекистон Фанлар академиясининг тарих институтида амалиёт ўтагани келиб, олти ойда ўзбек тилини бинойидек ўрганиб олди.

Япон қизи ўзбек оиласида

— Ассалому алайкум. Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар, — деди Фотимахон соф Чироқчи шевасида.

Рости, бироз ҳайратланиб қолдик. — Фумато Сано хоним Чироқчи туманининг Араб банди қишлоғидаги Салтанат Қўлдошева оиласида бир йилдан бери яшаб, гилам тўқиш ва миллий каштачилигимиз сирларини ўрганмоқда, — дея изоҳ берди хонадон эгаси. — Юз тузилиши, соф Чироқчи шевасида сўзлашадан ҳеч ким уни хорижлик қиз демайди.

— Қарийб бир йилдан бери чироқчилик устозим — қўли гул, меҳри дарё Салтанат опадан гилам тўқишни ўрганилман, — дейди Фумато Сано хоним. — Бундан ташқари, жун илдан чакман, қизларнинг нимчалари, телефон учун филофлар ва ноутбуклар учун сумкалар тайёрлаяпмиз. Бултур «Ташаббус — 2010» кўрик-танловининг «Энг яхши хунарманда» йўналиши бўйича Қашқадарёда биринчи, республикада учинчи ўринни эгаллаган Салтанатхон ва Фумато Сано хоним жорий йил баҳорида ўтказилган «Ташаббус — 2011» кўрик-танловининг вилоят босқичида «Энг яхши оилавий бизнес» йўналишида голибликни эгаллади.

— Япониялик шогирдим билан ҳозир деярли учрамайдиган «Қиз гилам»ни топиб ва ундан андоза олиб, тикладик, — дейди Салтанат опа. — Унинг ўзи ҳам бемалол гилам тўқийдиган бўлиб қолди.

Кунчиқар мамлакатидан келган қизнинг тарихимиз, қадриятларимиз, миллий урф-одатларимизга қизиқиши катта. Ёзаётган илмий ишлари учун материаллар тўплапти.

— Ўзбек оиласида яшаб, тилини, урф-одатларини ўргандим, — дейди хорижлик хоним қувонч билан. — Дунёда халқингиздек бағрикенг, меҳри кўш, меҳнаткаш ва фидойи миллат йўқ. Ҳатто, Сидзуока шаҳрида яшайдиган онам келиб, урф-одатларингиз ва анъаналарингиз, дўстлик ва ҳамжihatлигингизга тан берди. Илоё, Яратганнинг ўзи Ўзбекистонни ва унинг меҳнаткаш халқини ёмон кўздан асрасин.

И. ИСОМИДИНОВ

Газетанинг навбатдаги сони 26 апрел, сешанба куни чиқади.

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясининг ҳудудий бирлашмалари

№	Ҳудудий бирлашмалар	Манзили	Телефон, факс	Электрон почтаси
1.	Қорақалпоғистон Республикаси Федерацияси	Нукус шаҳри, А.Дўстназаров кўчаси, 62-уй	8 361 222-92-91, 222-92-92	fozpprk@mail.ru
2.	Андижон вилояти ҳудудий бирлашмаси	Андижон шаҳри, Юксалиш кўчаси, 22-уй	8 374 224-02-68 8 374 298-00-12 (факс)	and.istemol@mail.ru
3.	Бухоро вилояти ҳудудий бирлашмаси	Бухоро шаҳри, «Ўзбекистон мустақиллиги» кўчаси, 10-уй	8 365 223-85-85	buxihqzb@doda.uz
4.	Жиззах вилояти ҳудудий бирлашмаси	Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй	8 372 226-32-33 8 372 226-66-44 (факс)	
5.	Навоий вилояти ҳудудий бирлашмаси	Навоий шаҳри, Амир Темур кўчаси, 4-«А» уй	8 436 223-03-21	sh.raxmatov@mail.ru
6.	Қашқадарё вилояти ҳудудий бирлашмаси	Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 2-уй	8 375 221-10-31	boxa82@mail.ru
7.	Наманган вилояти ҳудудий бирлашмаси	Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 5-уй	8 369 226-96-14	istemol.birlashma@mail.ru
8.	Самарқанд вилояти ҳудудий бирлашмаси	Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони кўчаси, 1-уй	8 366 231-01-72	samuzpp@rambler.ru
9.	Сирдарё вилояти ҳудудий бирлашмаси	Гулистон шаҳри, Қахрамонлар хиёбони кўчаси, 2-уй	8 367 225-34-78	niso-55@mail.ru
10.	Сурхондарё вилояти ҳудудий бирлашмаси	Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 17-уй	8 376 223-38-85	zppsux@mail.ru
11.	Хоразм вилояти ҳудудий бирлашмаси	Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уй	8 362 224-31-79 (факс) 8 362 226-73-19	
12.	Фарғона вилояти ҳудудий бирлашмаси	Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 7-уй	8 373 224-98-98 8 373 224-08-12 (факс)	farist@simus.uz
13.	Тошкент вилояти ҳудудий бирлашмаси	Тошкент шаҳри, «Хоразм» кўчаси, 51-уй	236-28-61 233-92-27	
14.	Тошкент шаҳар ҳудудий бирлашмаси	Тошкент шаҳри, «Бунёдкор» кўчаси, 23-уй	276-90-46 276-89-35	tozppuz@qmail.com

№	ЎИХХҚЖФ бўлимлари	Манзили	Телефон, факс	Электрон почтаси
1.	Мониторинг бўлими	Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-а уй	241-57-69 241-81-88 241-18-46 (факс)	fozppuz@mail.ru
2.	Ҳуқуқий ҳимоя бўлими		241-57-69 241-81-88 241-18-46 (факс)	fozppuz@mail.ru
3.	Матбуот ва ахборот бўлими		241-57-69 241-81-88 241-18-46 (факс)	fozppuz@mail.ru



oliy baxt

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир:
Абдуҳолик
АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:

Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'liqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

Бизга кўнғироқ қилинг:

Котибият: **256-52-78**
Хатлар бўлими: **256-85-43**

Вилоят муҳбирлари:

Андижон + 99897 465 05 68;
Бухоро + 99893 653 50 81;
Жиззах + 99872 360 00 10;
Навоий + 99893 725 46 40;
Наманган + 99897 491 79 27;
Самарқанд + 99866 933 25 04;
Сурхондарё + 99897 458 05 07;
Фарғона + 99891 679 32 79;
Қашқадарё + 99897 414 30 78
Қорақалпоғистон Республикаси
ва Хоразм + 99862 562 56 75;

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерда терилди ва сақланган.
Офсет усулида босилди. Бичими А-3.
Ҳажми 4 босма табоқ.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
«Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Навр кўрсаткичи: 133; 134

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Тижорат аҳамиятига молик материаллар h белгиси остида чоп этилади.

E-mail: Ishonch
2011@gmail.com

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир:

Ж. Шарофбоев

Навбатчи:

Ш. Абдусаматов

Мусаҳҳих:

С. Шодиева

Саҳифаловчи-

дизайнер:

Х. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти -21.00

Топширилди - 03.40

Буюртма Г— 451

Тиражи: 20513

ISSN 2010-5002

1 - 3 4 5